

**Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги
Бернь конвенцияси**

(1971 йил 24 июлда қабул қилинган Париж ҳужжати)

Иттифоққа кирувчи мамлакатлар муаллифлар ҳуқуқлари, уларнинг адабиёт ва бадий асарларини имкон қадар самарали ва бир хил равишда ҳимоя қилишни ўзларига мақсад қилиб қўйган ҳолда,

Конвенцияни қайта кўриб чиқиш масаласи бўйича 1967 йил Стокгольмда чақирилган Конференция аҳамиятини тан олган ҳолда,

Стокгольм Конференциясида қабул қилинган ҳужжатни қайта кўриб чиқишни лозим топишди ҳамда ушбу ҳужжатнинг 1-дан 20-гача ва 22-дан 26-гача бўлган моддаларини ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилишди.

Шунга биноан зарур шаклда ва миқдорда бўлган ўз ваколатларини тақдим этган ҳолда ушбу ҳужжатга имзо чекканлар қуйидагиларга келишишди:

1-модда

(Иттифоқнинг ташкил этилиши)

Ушбу Конвенция қўлланадиган мамлакатлар адабий ва бадий асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Иттифоқ ташкил этадилар.

2-модда

(Ҳимояландиган: 1. "Адабий ва бадий асарлар"; 2. Уларни маълум тартибда қайд этиш шарти; 3. Иккиламчи асарлар; 4. Расмий матнлар; 5. Тўпламлар; 6. ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятлар; ҳимоядан фойдаланувчи шахслар: 7. Амалий санъат асарлари ва саноат намуналари; 8. Янгиликлар.)

(1) "Адабий ва бадий асарлар" тушунчаси адабиёт, фан ҳамда санъат соҳасида бўлган ва яратилиш услуби ва шаклидан қатъи назар китоблар, рисоалар ва бошқа ёзма асарлар: маърузалар, мурожаатномалар, диний маърузалар ва бошқа шунга ўхшаган турдаги асарлар; драматик ва мусиқий-драматик асарлар: хореографик асарлар ва пантомималар; матнли ва матнсиз мусиқий бадихалар; кинематография асарлари; кинематографияга ўхшаш услублар ёрдамида яратиладиган асарлар; суратлар, рассомлик асарлари, архитектура асарлари, ҳайкалтарошлик, графика ва литография асарлар, фотографик асарлар, фотография услублари ёрдамида яратиладиган фотографияга

ўхшаш асарлар; амалий санъат асарлари; иллюстрациялар; географик хариталар, режа ва эскизлар: география, топография, архитектура ва бошқа фанларга тегишли бўлган пластика асарлари каби барча асарларни қамраб олади.

(2) Аммо Иттифоққа кирувчи мамлакатлар ўз қонунчиликлариغا биноан адабий ва бадиий асарлар ёки уларнинг қандайдир алоҳида турлари у ёхуд бу моддий шаклда ифодаланган бўлмаса, бундай асарларнинг ҳимояга тегишли эмас деган буйруққа ҳуқуқлари сақланади.

(3) Адабий ва бадиий асарлар таржимаси, адаптацияси, муסיқавий аранжировкаси ва бошқа хил ўзгартиришлари бирламчи асар муаллифи ҳуқуқини бузмаган ҳолда ҳақиқий асар билан бир хил даражада ҳимоя қилинади.

(4) Қонунчилик, маъмурий ва суд ишларига тегишли матнлар ҳамда куларнинг расмий таржималарини ҳимоя қилиш тартиби Иттифоққа кирувчи мамлакатлар қонунчиликлариغا биноан белгиланади.

5) Маълумотлар тўпланиши ва жойлаштирилиши услуби жиҳатидан яхлит ақлий ижод маҳсули ҳисобланадиган адабий ва бадиий асарлар тўплами (масалан, энциклопедия ёки антологиялар) уларни ташкил этувчи таркибий қисмлар муаллифлари ҳуқуқига зиён етказмаган ҳолда ҳимоя қилинади.

(6) Ушбу моддада кўзда тутилган асарлар Иттифоққа кирувчи барча мамлакатлар ҳудудида ҳимоя қилинади. Бундай ҳимоя асар муаллифи ва унинг ҳуқуқий ворислари имтиёзи ҳисобланади.

(7) Ушбу Конвенциянинг 7 (4)-моддаси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Иттифоққа аъзо мамлакатлар амалий санъат асарлари ва саноат намуналарига ҳамда бундай асарлар ҳимоясига нисбатан интеллектуал мулк қонунчилиги қай даражада қўлланилишини ўзлари белгилайдилар. Агар асар яратилган мамлакатда фақат сурат ва намуналар сифатидагина ҳимоядан фойдаланадиган бўлса, Иттифоқнинг бошқа аъзо мамлакатлари ҳудудида бундай асар шу туркум интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланиладиган махсус ҳимоядангина фойдаланиши мумкин. Аммо мамлакат ҳудудида бундай асарларга нисбатан махсус ҳимоя қўлланилмаган ҳолатда бу туркум асарлар бадиий асарлар сифатида ҳимоя қилинади.

(8) Ушбу Конвенция асосида таъминланадиган ҳимоя кундалик янгиликлар ҳақидаги хабарларга ёки турли хил воқеалар тўғрисидаги ахборот маълумотларига нисбатан қўлланилмайди.

2 bis -модда

(Муайян асарлар ҳимоясининг чекланиши мумкинлиги. 1. Муайян нутқлар. 2. Маърузалардан ва мурожаатномалардан муайян тарзда фойдаланиш. 3. Бу хил асарлар тўпламини тайёрлаш ҳуқуқи.)

(1) Иттифоққа аъзо мамлакатлар ўз қонунчиликларида юқорида келтирилиб ўтилган сиёсий нутқлар ва суд жараёнлари вақтида сўзланган нутқларнинг интеллектуал мулк объекти сифатида ҳимоя қилинишидан бутунлай ёки қисман воз кечиш ҳуқуқига эга.

(2) Иттифоққа аъзо мамлакатлар ўз қонунчиликларида, шунингдек, маърузалар, мурожаатномалар ва шундай оммавий тарзда бошқалар диққатига етказилган асарларни фақатгина ахборот тарқатиш мақсадида матбуотда эълон қилиш, эфирга узатиш, кенг омма диққатига тўлқинлар орқали хабарнома сифатида етказиш шартларини ушбу Конвенциянинг 11 bis (1)- моддаси қоидаларига биноан белгилаши мумкин.

(3) Бироқ юқори бандларда санаб ўтилган ўз асарлари тўпламини тайёрлаш фақатгина асар муаллифининг ҳуқуқи ҳисобланади.

3-модда.

(Асрашга тақдим этиш учун мезонлар: 1. Муаллифнинг фуқаролиги; асарни чоп этилган жойи; 2. Муаллифнинг истиқомат қилиш жойи; 3. «Чоп этилган» асарлар 4. «Бир вақтда чоп этилган» асарлар.

(1) Ушбу Конвенция доирасидаги ҳимоя қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

(а) Иттифоққа аъзо мамлакатлардан бирортасининг фуқароси ҳисобланадиган муаллифларга: уларнинг нашр қилинган ҳамда нашр қилинмаган асарларига нисбатан;

(в) Иттифоққа аъзо мамлакатлардан бирортасининг ҳам фуқароси бўлмаган муаллифларга, уларнинг Иттифоққа кирувчи мамлакатлардан бири ҳудудида ёки Иттифоқнинг бирорта аъзоси ҳамда Иттифоққа қирмайдиган бошқа мамлакат ҳудудларида бир вақтнинг ўзида нашр қилинган асарларига нисбатан.

(2) Ушбу Конвенция мақсадларида Иттифоққа аъзо мамлакатларнинг ҳеч қайсисининг фуқаролигига эга бўлмаган муаллифлар агар мунтазам равишда бирор аъзо мамлакат ҳудудида истиқомат қилса, ушбу мамлакат фуқароларига тенглаштириладилар.

(3) "Нашр этилган асарлар" тушунчаси остида муаллифларнинг розилиги асосида нусхаларнинг тайёрлаш усулларида қатъий назар, етарли нусхаларда асар хусусиятларига нисбатан истъемолчиларнинг ҳақиқий талабини инобатга олган ҳолда чиқарилган асарлар тушунилади. Драматик, мусиқий-драматик ёки кинематографик асарни намойиш этиш, мусиқа асарини ижро этиш, адабий асарни оммавий

тарзда ўқиб эшиттириш, адабий ва бадиий асарларни тўлқинларда ёки эфир орқали узатиш, санъат асарларини намойиш этиш ёки архитектура асарини куриш асарни чиқариш ҳисобланмайди.

(4) Асар биринчи марта нашр қилинганидан сўнг ўттиз кун мобайнида икки ёки ундан ортиқ мамлакат ҳудудида нашр қилинса, бундай асар бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатлар ҳудудида нашр қилинган ҳисобланади.

4-модда

[Кинематография, архитектура ва муайян бадиий асарларга ҳимоя тақдим этиш учун мезонлар]

(1) 3-моддада кўрсатиб ўтилган шартлар бажарилмаган тақдирда ҳам қуйидаги ҳолларда ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳимоя қўлланилади:

(а) кинематографик асарлар муаллифларига, агар уларнинг ишлаб чиқарувчиси Иттифоққа кирувчи мамлакатларнинг бирортасида ўзининг қароргоҳи ёки одатий яшаш жойига эга бўлса;

(в) Иттифоққа кирувчи бирон-бир мамлакат ҳудудида қурилган архитектура асарларининг муаллифларига ёхуд Иттифоқнинг Бирон-бир мамлакатада жойланган ёки бошқа иншоат бинонинг бир қисми ҳисобланган бадиий асарларлар муаллифларига.

5-модда

[Кафолатланган ҳуқуқлар: 1. ва 2. Вужудга келган мамлакатидан ташқарида; 3. Вужудга келган мамлакатада; 4."Вужудга келган мамлакати"]

(1) Ушбу Конвенция асосида асарларга ва уларнинг муаллифларига нисбатан кўзда тутилган ҳимоя Иттифоққа аъзо мамлакатлар ҳудудида, асар вужудга келган мамлакатидан ташқари, ушбу мамлакатлар қонунчиликларида белгиланган ёки келажақда белгиланадиган тартибда ёхуд Конвенцияда махсус таъкидлаб ўтилган тартибда аниқланади.

(2) Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш ёки уларни амалга ошириш ҳеч қандай расмиятчиликни амалга ошириш билан боғлиқ эмас: бундай ҳуқуқлардан ушбу тарзда фойдаланиш ёки уларни амалга ошириш асарларга улар вужудга келган мамлакатада ҳимоя белгиланиши ёки белгиланмаслигига боғлиқ эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу Конвенция доирасида муаллифга тақдим этилган ҳимоя ҳуқуқи ва уни амалга ошириш воситалари мутлақ равишда мамлакатлар қонунчиликлари томонидан белгиланади.

(3) Асарни у вужудга келган мамлакатада ҳимоя қилиш унинг ички қонунчилиги томонидан белгиланади. Бироқ, агар муаллиф асар вужудга келган мамлакат фуқароси бўлмаса, у ҳолда ушбу Конвенция

асосида, бундай муаллифга шу мамлакат фуқаролари бўлмиш муаллифлар фойдаланадиган ҳуқуқлар тақдим этилади.

(4) Асар вужудга келган мамлакат бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Иттифоққа аъзо мамлакатларнинг бирортасида биринчи марта нашр қилинган асар учун - шу мамлакат; бир вақтнинг ўзида Иттифоқнинг қонунчиликлари ҳар хил ҳимоя муддатини кўзда тутган бир неча мамлакатларида нашр қилинган асарлар учун энг қисқа муддат ҳимоя муддатини белгилаган мамлакат;

б) бир вақтнинг ўзида Иттифоққа кирмайдиган бирор мамлакатда ва Иттифоқ аъзоси бўлган бирор мамлакатда нашр қилинган асар учун шу охириги кўрсатиб ўтилган мамлакат;

с) ҳали нашр этилмаган асар ёки бир вақтнинг ўзида Иттифоққа кирмайдиган мамлакатнинг бирортасида биринчи марта нашр қилинган асар учун, ушбу асар бир вақтнинг ўзида Иттифоққа кирувчи бирор мамлакатда нашр қилинмаган бўлса-ўша Иттифоққа кирувчи мамлакат учун агар муаллиф мамлакат фуқароси бўлса қуйидаги шартлар бажарилган ҳолда:

(i) кинематография асарлари муаллифларига нисбатан, агар уларнинг ишлаб чиқарувчиси Иттифоққа кирувчи мамлакатларнинг бирортасида ўзининг қароргоҳи ёки одатий яшаш жойига эга бўлса, ушбу мамлакат - асар вужудга келган мамлакат ҳисобланади ва

(ii) Иттифоққа кирувчи бирон-бир мамлакат ҳудудида қурилган архитектура асарига ёхуд Иттифоқ ҳудудида жойлашган иншоотнинг бир қисми ҳисобланган бошқа бадиий асарларга нисбатан ушбу мамлакат асар вужудга келган мамлакат ҳисобланади.

6-модда

[Иттифоққа аъзо бўлмаган муайян мамлакат фуқароларининг маълум асарларининг ҳимоясига нисбатан мумкин бўлган чеклашлар: 1. Асар нашр қилинган биринчи мамлакат ва бошқа мамлакатларда: 2. Орқага қайтиш кучининг мавжуд эмаслиги. 3. Хабар қилиш]

Агар Иттифоққа кирувчи мамлакат фуқароси ҳисобланган муаллиф асарининг ҳимояси Иттифоққа кирмайдиган мамлакат томонидан таъминланмаса, ушбу биринчи тилга олиб ўтилган мамлакат ҳам ўз асарини илк нашр эттириш вақтида аъзо бўлмаган мамлакат фуқароси ҳисобланган муаллиф асар ҳимоясини, агар у Иттифоққа кирувчи бошқа мамлакатларнинг бирортасида доимий яшаш жойига эга бўлмаса чеклаши мумкин. Агар асар илк нашр қилинган мамлакат томонидан маълум чеклашларга тортиладиган бўлса, Иттифоққа аъзо бошқа мамлакатлар ҳам ушбу асарга нисбатан, ушбу асар биринчи

марта нашр қилинган мамлакатдагидан кўра кўпроқ имтиёзлар беришга мажбур эмас.

(2) Иттифоққа аъзо мамлакатларнинг бирида юқорида қайд этиб ўтилган чеклашлар қабул қилинишидан олдин, асар муаллифига берилган ҳуқуқларга юқоридаги банд асосидаги чеклашлар ҳеч қандай дахл қилмайди.

(3) Ушбу моддага асосланган ҳолда, асар муаллифи ҳуқуқлари билан боғлиқ чеклашларни жорий этган Иттифоққа аъзо мамлакатлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директорига (кейинчалик «Бош директор» деб аталади) қайси мамлакатларга ва уларнинг фуқароси ҳисобланган муаллифларга нисбатан қўлланган чеклашлар ҳақида ёзма равишда баёнот тақдим этади. Бош директор зудлик билан ушбу баёнот ҳақида Иттифоққа аъзо бошқа мамлакатларни хабардор қилади.

6 bis-модда

[*Номулкий ҳуқуқлар*: 1. Муаллифликни тан олишни талаб қилиш: маълум бир ўзгаришлар ва бошқа ҳаракат қилиш ҳуқуқи бузилишларига нисбатан эътироз билдириш; 2. Муаллиф вафотидан сўнг; 3. ҳимоя қилиш воситалари]

(1) Муаллифнинг асарга бўлган мулкый ҳуқуқлари бўлишидан қатъи назар ва бу ҳуқуқларни бошқа кишига тақдим этганидан кейин ҳам муаллиф ўзининг ушбу асарга бўлган муаллифлиги тан олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга ва шу тариқа асарни ҳар қандай кўринишдаги бузилишига, бошқача тарзда талқин қилиниши ёки ўзга шаклда ўзгартирилишига, шунингдек, муаллифнинг шаъни ва номига зарар етказиш ҳолатларига қарши чиқиш ҳуқуқига эга.

(2) Муаллифнинг юқоридаги банд асосида тан олинган ҳуқуқлари муаллиф вафотидан сўнг ҳеч бўлмаганда унинг мулкый ҳуқуқлари ваколати тугагунича ўз кучини сақлаб қолади ва ҳимоя талаб қилинган мамлакат қонунчилиги кўзда тутган тартибда шахслар ҳамда ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бироқ ушбу ҳужжатни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш жараёнида қонунчиликларида олдинги бандда санаб ўтилган барча ҳуқуқларни муаллиф вафотидан сўнг таъминлаб берувчи қоидаларни ўз ичига олмаган мамлакатлар, бу ҳуқуқлардан баъзиларининг ҳимоясини муаллиф вафотидан сўнг бекор қилишлари мумкин.

(3) Ушбу моддада кўзда тутилган муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари ҳимоя талаб қилинадиган мамлакатлар қонунчиликлари томонидан белгиланади.

7-модда

[Химоя қилиш муддати: 1. Умумий қоидалар. 2. Кинематография асарлари учун. 3. Аноним тарзда ёки тахаллус остида яратилган асарлар учун. 4. Фотография асарлари ёки амалий санъат асарлари учун. 5. ҳисоблаш муддатининг бошланиши. 6. Узокроқ муддатлар. 7. қисқароқ муддатлар. 8. қўлланиладиган қонунчилик; муддатларни «солиштириш»]

(1) Ушбу Конвенция доирасида тақдим этиладиган химоя муаллифнинг бутун ҳаёти давоми ва унинг вафотидан сўнг эллик йилни ташкил этади.

(2) Аммо кинематография асарлари учун Иттифоққа аъзо мамлакатлар муаллиф розилиги билан асар биринчи марта барчанинг диққат эътиборига ҳавола этилганидан эллик йил ўтганидан сўнг химоя муддати тугаши тартибини ўрнатиш ҳуқуқига эга, ёки агар асар яратилганидан эллик йил ўтганидан сўнг ҳам бундай воқеа содир бўлмаган бўлса, химоя муддати, асар яратилган шу эллик йил ўтганидан сўнг тугаган ҳисобланади.

(3) Аноним тарзда ёки тахаллус остида яратилган асарлар учун ушбу Конвенция доирасида белгиланган химоя муддати бундай асарлар қонуний тартибда нашр қилинганидан сўнг эллик йил ўтгач тугайди. Лекин муаллиф ўзи танлаган тахаллус унинг шахсини айнан ошқора этиб турса ва бунга ҳеч қандай шубҳа туғилмаса, химоя муддати ушбу модданинг (1)-банди тартиби бўйича белгиланади. Агар аноним тарзда ёки тахаллус остида асар яратган муаллиф химоя белгиланган муддат давомида ўз шахсини ошқор этадиган бўлса, бундай асарга нисбатан химоя муддати ушбу модданинг (1)-банди асосида белгиланади. Иттифоққа аъзо мамлакатлар аноним тарзда ёки тахаллус остида яратилган ҳамда муаллифи вафотидан сўнг эллик йил ўтган, деб ҳисоблашга барча асослар мавжуд бўлган асарлар учун химояни таъминлашга мажбур эмас.

(4) Иттифоқ мамлакатлари бадиий асарлар сифатида химоя қилинадиган фотография ва амалий санъат асарлари химояси муддатини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эгалар; аммо бу муддат асар яратилган вақтдан бошлаб йигирма беш йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

(5) Муаллиф вафот этган кундан бошлаб ҳисобланадиган химоя муддати ёки ушбу модданинг (2)-, (3)-, (4)- бандларида кўзда тутилган химоя муддатлари муаллиф вафоти кунидан ёки юқорида келтирилган бандлардаги ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб кучга киради, лекин муаллиф вафоти кунидан ёки юқорида келтирилган ҳолатлар юзага келган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан ўта бошлаган ҳисобланади.

(6) Иттифоққа аъзо мамлакатлар юқоридаги бандларда кўрсатиб ўтилган муддатлардан ҳам ортиқроқ муддатларни белгилаш ҳуқуқига эга.

(7) Ушбу Конвенциянинг Рим хужжатида кўшилган Иттифоқ мамлакатлари хужжатни имзолаш пайтидаги қонунчиликларида юқорида келтирилган бандлардан қисқароқ ҳимоя муддатини белгилаган бўлса, хужжатга қўшилиш ёки уни ратификация қилиш жараёнида ўзлари учун ўша муддатларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

(8) ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя муддати ҳимоя талаб қилинаётган мамлакат қонунчилигига асосан белгиланади; аммо ҳимоя талаб қилинаётган мамлакат қонунчилиги ўзгача тартибни жорий этмаган бўлса, ҳимоя муддати асар вужудга келган мамлакатдаги жорий муддатдан давомлироқ бўлиши мумкин эмас.

7 bis-модда

[Ҳаммуаллифлик асосида яратилган асарларнинг ҳимоя муддати]

Ҳимоя муддати ҳаммуаллифларнинг охириги вафоти пайтидан ҳисоблаб бошланган ҳолда юқорида келтирилган моддалар қоидалари ҳаммуаллифликда яратилган асарлар учун ҳам қўлланилади.

8-модда

[Таржимага бўлган ҳуқуқ]

Ушбу Конвенция доирасида ҳимоя қилинадиган адабий ва бадиий асарлар муаллифлари бутун ҳимоя муддати давомида ўз асарларини таржима қилиш ва таржима қилишга руҳсат бериш ҳуқуқидаи фойдаланади.

9-модда

[қайта тиклашга бўлган ҳуқуқ: 1. Умумий қоидалар. 2. Йўл қўйиладиган истисноли ҳолатлар. 3. Овоз ва суратни ёзиш]

(1) ушбу Конвенция доирасида ҳимоя билан таъминладиган адабий ва санъат асарлари муаллифлари ўз асарларини хоҳлаган тарзда ва хоҳлаган шаклда қайта тиклаш ҳуқуқига эга.

(2) Агар алоҳида ҳолларда бундай асарларни қайта тиклаш, асардан нормал фойдаланишга ёки муаллифнинг қонуний манфаатларига зарар етказмайдиган бўлса, Иттифоққа аъзо мамлакатларнинг қонунчилиги бундай асарларни қайта тиклашга руҳсат бериш ҳуқуқинисақлаб қолди.

(3) Ушбу Конвенция мақсадларидан келиб чиқиб, ҳар қандай овоз ёки сурат ёзиш асарни қайта тиклаш бўлиб ҳисобланади.

10 - модда

[Асарлардан эркин фойдаланишнинг муайян ҳолатлари: 1. Цитаталар. 2. Таълим бериш мақсадида ишлаб чиқарилган иллюстрациялар; манбаа ва асар муаллифини кўрсатиб ўтиш шарти]

(1) Яхши одат қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва кўзланган мақсадга мувофиқ ҳажмда қонуний тарзда нашр қилинган асарлардан ва матбуот газеталари ҳамда журналлардан нашрларнинг шарҳи шаклида цитаталар олишга рухсат берилади.

(2) Яхши одат қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва кўзланган мақсадга мувофиқ ҳажмда Иттифоққа кирувчи мамлакатлар ўз қонунчиликларида ва махсус битимларда ёки тузилиши мумкин бўлган битимларда адабий ва санъат асарларида иллюстрацияларда, нашрларнинг, радио ва телевидение дастурларида, овоз ёзиш жараёнида ёки таълим дастурларида фойдаланиш тартибини белгилаши мумкин.

(3) Асардан ушбу модданинг олдинги бандларида белгиланган тартибда фойдаланишда албатта манба ва агар ушбу манбада асар муаллифи исми кўрсатилган бўлса унинг исми қайд этиб ўтилади.

10 bis-модда

[Асардан эркин фойдаланишнинг имконий шакллари: 1 . Эфирга узатилган муайян турдаги мақолалар ва асарлар; 2. Жорий воқеалар давомида намойиш этилган ёки эълон қилинган асарлар;]

(1) Иттифоққа аъзо мамлакатлар ўз қонунчиликларида чоп этилган ёки эфирга узатилган жорий иқтисодий, сиёсий ва диний масалалар ҳақидаги мақолаларни матбуотда қайта чоп этиш, қайта эфирга узатиш ёки бошқа воситалар орқали кенг омма диққатига ҳавола этишга рухсат бериш ҳуқуқига эга, агар бундай асарларни қайта нашр ҳуқуқидан фойдаланиш шартлари қонунчилик томонидан махсус тарзда белгиланган бўлмаса. Бироқ асар манбаи ҳар доим қайд этиб ўтилиши лозим, акс ҳолда бу шартнинг бажарилмаслиги оқибатлари ҳимоя талаб этиладиган мамлакат қонунчилиги томонидан белгиланади.

(2) Жорий жараёнлар ҳақида бўлган ва намойиш этилган ёки бошқа тарзда нашр қилинган адабий ва бадий асарларни маълумот бериш мақсадида оқилона ҳажмда намойиш этиш ёки фотография ёки кинематография воситалари ёрдамида эфирга узатиш ва кенг омма диққатига ҳавола этиш шартлари Иттифоққа аъзо мамлакатлар қонунчиликлари ҳавола этиш ҳуқуқи сақланади.

11-модда

[Драматик ва мусиқий асарларга нисбатан белгиланган ҳуқуқлар: 1. оммавий тақдимот учун ва барчанинг диққат-эътиборига ҳавола этиш учун тақдим этишга бўлган ҳуқуқ; 2. Таржимага нисбатан]

(1) Драматик, мусиқий-драматик ва мусиқий асарларнинг муаллифлари ўз асарларининг:

(i) омма олдида эълон қилинишига ва ижро этилишига ҳар қандай воситалар ва усуллар билан амалга оширилган омма олдида эълон қилиш ва ижро этишни ҳисобга олган ҳолда;

(ii) сахна асарига ва асар ижросининг омма эътиборига ҳар қандай восита орқали етказилишига руҳсат бериш учун алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланади.

(2) Худди шундай ҳуқуқлар драматик ёки муסיқий-драматик асарларнинг муаллифларига, уларнинг оригинал асарларига бўлган ҳуқуқларининг бутун муддати давомида таржималарига нисбатан ҳам тақдим этилади.

11 bis-модда

[Эфирга бериш ва унга тегишли ҳуқуқлар: 1. Эфирга бериш ва бошқа симсиз олиб бериш йўли орқали сим бўйича асарларни эфирга узатиладиган оммавий хабар ёки эфирга қайтадан бериш йўли билан радиокарнай ёки шунга ўхшаш аппарат ёрдамида эфирга узатиладиган оммавий хабарлар; 2. Мажбурий лицензиялар; 3. Ёзувлар; қисқа муддатли фойдаланишга мўлжалланган ёзувлар]

(1) Адабий ва бадиий асарлар муаллифлари қуйидаги алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланади:

(i) ўз асарларининг эфирга ёки оммавий хабар қилиб узатилиши ёки ушбу асарларнинг ҳар қандай белгилар, овозлар ёки тасвирларни симсиз узатиш воситалари орқали узатилиши;

ii) симли ёки симсиз алоқа воситалари орқали эфирга қайта узатилаётган асарни, агар бундай узатиш дастлабки ташкилотдан сўнг бошқа ташкилот томонидан амалга оширилаётган бўлса, ҳар қандай оммавий эфирга узатиш;

(iii) радиокарнай ёки белгилар, овозлар ёки тасвирларни узатиб берадиган бошқа ҳар қандай аппарат ёрдамида асарни эфирга узатадиган оммавий хабар бериш.

(2) Иттифоққа аъзо мамлакатлар қонунчилиги томонидан юқоридаги бандда кўрсатилган ҳуқуқларни амалга оширувчи шартлар белгиланиши мумкин; аммо ушбу шартларнинг амал қилиши, уларни ўрнатган мамлакат доирасида қатъий чекланади. Ушбу шартлар муаллифнинг на шахсий номулкий ҳуқуқларини, ваколатли органлар томонидан тузиладиган битим мавжуд бўлмаган ҳолда на унга тегишли бўлган адолатли мукофот олиш ҳуқуқини чеклаши мумкин эмас.

(3) Ушбу модданинг (1)-бандига мувофиқ тақдим этиладиган руҳсат, бошқача ўрнатилмаган бўлса, овозлар ёки тасвирларни ёзиб оладиган асбоб-ускуналарлар ёрдамида эфирга узатиладиган асарни

ёзиб олишга бўлган рухсатни ўз ичига олмайди. Аммо, Иттифок мамлакатлари қонунчилиги билан радио эшшитириш ташкилотларига ўзларининг воситалари билан ўзларининг кўрсатувлари учун ишлатиладиган қисқа муддатли фойдаланиш учун ёзиш режимларини ўрнатиши мумкин. Бу қонунчилик билан бундай ёзувларни, уларнинг алоҳида ҳужжатли мазмунга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда расмий архивларда сақлашга рухсат берилиши мумкин.

11 тер-модда

[*Адабий асарларга белгиланган ҳуқуқлар*: 1. Оммавий ўқиш учун ва барчанинг маълумоти учун ўқишга беришга бўлган ҳуқуқ; 2. Таржималарга нисбатан]

(1) Адабиётга оид асарлар муаллифлари қуйидаги алоҳида ҳуқуқларга эгадир:

(i) ҳар қандай восита ва усулни амалга ошириш орқали омма олдида ўқилишини қўшган ҳолда ўз асарларини омма олдида ўқиш;

(ii) уларнинг асарларини омманинг диққат эътиборига етиб бориши учун ҳар қандай йўл билан бериш.

(2) худди шу ҳуқуқлар бирламчи асарга бўлган ҳуқуқнинг амал қилиш муддати давомида асарларнинг таржималарига нисбатан бадиий асар муаллифларига ҳам берилади.

12- модда

[*Қайта тuzатишга, аранжировкага ва бошқа ўзгартиришларга бўлган ҳуқуқ*]

Адабий ва бадиий асар муаллифлари ўз асарларини қайта ишлаш, аранжировка қилиш ва бошқа ўзгартиришларга рухсат бериш ҳуқуқларидан фойдаланади.

13- модда

[*Муסיқий асарларни ва уларга тааллуқли бўлган ҳар қандай матнларни ёзишга бўлган ҳуқуққа мумкин бўлган чеклашлар*: 1. Мажбурий лицензиялар; 2. ўтиш чоралари; 3. Муаллифнинг розилигисиз олиб келинган нусхаларни ҳатлаш]

(1) Иттифокнинг ҳар бир мамлакати ўзи учун муסיқий асар муаллифидан ва ўз матнини ушбу муסיқий асар билан ёзилишига рухсат берган ҳар қандай матн муаллифига бериладиган муסיқий асарнинг матн билан ёзиб олинишига рухсат берадиган алоҳида ҳуқуқига нисбатан қўшимча шарт ва шароит ўрнатиши мумкин; лекин бу турдаги қўшимча шарт ва шароитлар, уларни белгилаган мамлакатлардагина қўлланилади, ва улар муаллифларга тегишли бўлган ҳуқуқлар, хусусан, келишув бўлмаган тақдирда ваколатли орган томонидан ўрнатиладиган адолатли, мукофот олиш ҳуқуқини чекламаслиги лозим.

(2) 1928 йил 2 июнда Римда ва 1948 йил 26 июнда Брюсселда имзоланган Конвенцияларнинг 13- моддаси, 3- бандига мувофиқ Иттифокнинг қайсидир мамлакатда амалга оширилган муסיқий асар ёзуви ушбу ҳужжат кучга кирганидан сўнг икки йил мудатгача муסיқий асар муаллифининг руҳсатисиз ушбу мамлакатда эшиттирилиши мумкин.

(3) Ушбу модданинг 1- ва 2- бандларига мувофиқ амалга оширилган ёзувлар, улар мамлакатга манфаатдор томонларнинг руҳсатисиз олиб кирилса, ноқонуний деб саналади ва хатлаб олиб қўйилади.

14-модда.

[Кинематография сахнага қўйиш асарлари ва унга тааллуқли бўлган ҳуқуқлар: 1. қайта ишланган кинематография асарлари ва қайта тиклаш; тарқатиш; оммавий тақдимот ва симли қайта тиклаш ёки асарни шунга ўхшаш йўл билан қайта ишлаш бўйича омманинг диққат-эътиборига ҳавола этиш; 2. Кинематография сахнага қўйиш асарларини қайта ишлаш; 3. Мажбурий лицензияларни қўлламаслик]

(1) Адабий ва бадиий асар муаллифлари қуйидаги руҳсат беришлар бўйича алоҳида ҳуқуқларга эга:

(i) ўз асарларини кинематографик қайта ишлаш ва қайта тиклаш ва шундай йўл билан қайта ишланган ёки тикланган асарларни тарқатиш;

(ii) шу йўл билан қайта ишланган ёки тикланган асарларни омманинг диққат эътиборига сим орқали узатиш орқали оммавий тақдим этиш ва ижро этиш.

(2) Адабий ва бадиий асардан ҳосил бўлган кинематография асарини бошқа, бадиий шаклга келтириш учун унинг муаллифидан руҳсат олинганидан қатъи назар, бирламчи асарнинг муаллифидан ҳам руҳсат олиниши керак.

(3) 13- модданинг 1- бандидаги қоидалар қўлланилмайди.

14 bis-модда

[Кинематография асарларига тааллуқли махсус қоидалар: 1. «Оригинал» асарларга тенглаштириш; 2. ҳуқуқ соҳиблари; асарни яратишга ҳисса қўшган муайян шахсларнинг баъзи ҳуқуқларининг чекланиши]

1) қайта ишлаб чиқилиши ёки намойиш этилиши мумкин бўлган киномаатографик асар бирламчи муаллифнинг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда бирламчи асар сифатида ҳимоя билан таъминланади. Кинематография асарига бўлган ҳуқуқ эгаси ҳам бирламчи асар муаллифи фойдаланадиган барча ҳуқуқлардан, юқоридаги моддада қайд этилган ҳуқуқларни ҳам инобатга олган ҳолда, фойдаланади.

(2) (a) Кинематография асари эгасининг муаллиф ҳуқуқи бўлган шахсларни аниқлаш ҳимоя талаб қилинадиган мамлакат қонунчилигига биноан аниқланади.

b) қонунчилиги кинематография асарлари муаллифи каторига бундай асар яратилишига ўз ҳиссаларини қўшган шахсларни ҳам киритадиган Иттифоққа аъзо мамлакатлар қонун билан белгиланган алоҳида ҳолатларни ҳисобга олмаганда ушбу асарларни қайта ишлаб чиқариш, намойиш этиш, сим орқали кенг оммага тақдим этиш, эфирга узатиш ва бошқа шаклда оммалаштириш, асар матнларидан субтитрлаштириш ва нусха олишни ман этмайди.

c) Юқорида кўрсатилган мажбуриятлар олдинги (b)-бандида қўллаш учун ёзма битим шаклидами ёки тенг аҳамиятга эга бўлган ёзма ҳужжат шаклида акс этирилиши шартми, деган масала, кинематография асарини яратган тайёрловчининг қароргоҳи ёки одатий яшаш жойига эга бўлган мамлакатнинг қонунчилиги томонидан белгиланади. Аммо, ҳимояни сўраётган Иттифоқнинг мамлакатлари қонунчилиги бундай мажбурият ёзма битим ёки тенг аҳамиятга эга бўлган ёзма ҳужжат билан ўрнатилиши мумкинлигини кўриб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланаётган мамлакатлар бу ҳақда Бош директорга ёзма баёнот бериш йўли билан билдиради, у ўз навбатида бу ҳақда Иттифоқнинг барча бошқа мамлакатларига тезда хабар қилади.

d) “қарши бўлган ёки алоҳида шартлар» деганда юқорида номланган мажбуриятларни нисбатан ҳар қандай чекловчи шартлар тушунилади.

(3) Агар мамлакатлар ички қонунчилигида бошқача қоидалар кўзда тутилмаган бўлса, юқорида кўрсатилган (2) b-банд қоидалари кинематография асарларини саҳналаштириш учун яратилган сценарий, диалог ва мусиқий асарлар муаллифларига ёки бундай асарни саҳналаштирувчи режиссёрга нисбатан қўлланилмайди. Бироқ, саҳналаштирувчи режиссёрларга нисбатан (2) b-банд қоидаларини қўллашни кўзда тутувчи қоидалари йўқ бўлган қонунчиликка эга Иттифоқ мамлакатлари бу ҳақда Бош директорга ёзма баёнот орқали билдиради ва у ўз навбатида бу ҳақда тезда Иттифоқнинг бошқа мамлакатларига хабар беради.

14 ter-модда

[Санъат асарларига ва асл нусхаларга нисбатан «улушли иштирок этишга бўлган ҳуқуқ»: 1. қайта сотувдан улушга бўлган ҳуқуқ; 2. қўлланиладиган ҳуқуқ; 3. Процедура]

(1) Санъат асарларининг асл нусхалари ва ёзувчи ва бастакорлар қўлёзмаларининг асл нусхаларига нисбатан муаллифнинг ўзи, унинг

вафотидан кейин эса миллий қонунчиликда кўзда тутилган шахс ва муассасалар ушбу асарларни сотилишда муаллиф томонидан белгилаб берилган биринчи таннарх туширилишига кўра ўз улушларига эга бўлади.

(2) Олдинги банда кўзда тутилган ҳимоя Иттифоқнинг исталган мамлакати томонидан талаб қилиниши мумкин, фақат агар муаллиф тегишли бўлган мамлакат қонунчилиги рухсат берса ва ҳимояни талаб қилаётган мамлакат қонунчилиги рухсат бериши мумкин бўлган ҳажмда.

(3) Йиғим тартиби ва унинг миқдори миллий қонунчилик томонидан белгиланади.

15- модда

[Ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ: 1. Муаллифнинг исми кўрсатилаётган пайтда ёки таҳаллус муаллифнинг шахсига нисбатан шубҳа қолдирмаётган пайтда; 2. Кинематография асарларига нисбатан; 3. Аноним ёки таҳаллус остида нашр қилинган асарларга нисбатан; 4. Муаллифи номаълум бўлган муайян чоп этилмаган асарларга нисбатан]

(1) Ушбу Конвенция асосида адабий ва бадиий асарлар муаллифлари ҳуқуқий мақомининг тан олинишини таъминлаш ва бошқа шахслар томонидан уларнинг ҳуқуқлари ва асарларига тажовуз қилинганда Иттифоқ мамлакатларида суд таъқибини кўзғатиш учун қарши омиллар керакли далил ва ҳимоя билан таъминлаш мақсадида муаллиф номи асарда одатий тарзда қайд этилган бўлиши кифоядир. Муаллифнинг ҳақиқий исми ўрнига унинг таҳаллуси қўлланган бўлса ва ушбу таҳаллус муаллиф шахсияти ҳақида аниқ маълумот бериб турган ҳолатда ҳам ушбу банд қўлланилади.

(2) Кинематография асарларини тайёрловчи ушбу асарларда номи ёки аталиши оддий йўл билан кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади, агар бунинг аксини исботловчи далиллар бўлмаса.

(3) Аноним тарзда ёки таҳаллус билан чиқарилган асар ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, асарда кўрсатилган ношир, агар бунинг аксини исботловчи далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ва у муаллиф ҳуқуқини ҳимоя қилиши ҳамда ушбу ҳуқуқларнинг бажарилишини таъминлаши лозим. Ушбу банднинг амал қилиши, агар муаллиф ўз шахсини аниқлаштирса ва асарга нисбатан муаллифлигини ошкор қилса, тугатилади.

(4) а) Муаллифи номаълум бўлган чоп этилмаган асарлар учун, муаллифи Иттифоқ мамлакатларидан бирининг фуқароси эканлигига барча асослар бор бўлса, шу муаллифнинг вакилини ва уни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ваколатли ва Иттифоқ мамлакатларида бу ҳуқуқларни

амалга оширишни таъминлаб берадиган ваколатли органни тайинлаш ҳуқуқи шу мамлакатнинг қонунчилигида сақланиб қолади.

б) Ушбу қоидаларга мувофиқ бундай тайинлашларни амалга оширадиган Иттифоқ мамлакатлари бу ҳақда Бош директорни шу тартибда тайинланган орган тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига оладиган ёзма баёнот бериш орқали билдиради. Бош директор тезда бу баёнот тўғрисида Иттифоқнинг барча мамлакатларига хабар қилади.

16-модда

[*Контрафакт (бировнинг асарини қонунга хилоф равишда қайта бостириб, муаллифлик ҳуқуқини бузиш) нусхалар: 1. Хатлаш; 2. Олиб чиқиш пайтида хатлаш; 3. қўлланиладиган қонунчилик*]

(1) Агар асарларнинг контрафакт нусхалари ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланаётган бўлса, улар Иттифоққа аъзо мамлакатларнинг барчасида муомаладан чиқарилиши лозим.

(2) Юқоридаги бандда кўрсатилган қоида мамлакатда ишлаб чиқилган ва ҳимоя қилинмайдиган ёки ҳимоядан фойдаланишни тўхтатган асарларга нисбатан ҳам қўлланилади.

(3) Хатлаш ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан амалга оширилади.

17-модда

[*Асарларни кўрсатишда, бажаришда ва тарқатишда назоратнинг мумкинлиги*]

Ушбу Конвенция қоидалари Иттифоққа аъзо ҳар бир мамлакат ҳукуматининг ҳар қандай асар ёки саҳна асарини кўрсатиш, намойиш этишга рухсат бериш, назорат қилиш ёки тақиқлашга бўлган ҳуқуқига ҳеч ҳам таъсир кўрсатмайди. Фақат ваколатли мамлакат идораларигина ушбу ҳуқуқни амалга оширишни зарур деб тан олади.

18-модда

[*Конвенциянинг кучга кириши вақтида мавжуд бўлган асарлар: 1. Ҳали ҳимоя қилиш муддати ўтиб кетмаган келиб чиқиш мамлакатада ҳимоя қилинадиган; 2. Ҳимоя қилиш муддати ўтиб кетган сўралаётган мамлакатда ҳимоя қилинмайдиган; 3. Ушбу принципларнинг қўлланилиши; 4. Махсус ҳолатлар*]

(1) Ушбу Конвенция вужудга келган мамлакатада ўзининг кучга кириши пайтида ҳимоя қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли умумхалқ бойлигига айланмаган барча асарларга нисбатан қўлланилади.

(2) Агар ҳимоя талаб қилинадиган мамлакатда асарга тақдим этилган олдинги ҳимоя қилиш муддати туфайли ушбу асар аллақачон умумхалқ бойлигига айланган бўлса, бу асар ушбу мамлакат ҳимоясига қайтадан берилмайди.

(3) Кўрсатилган принциплар Иттифоқ мамлакатлари ўртасида шу мақсадда тузилган ёки келажакда тузиладиган махсус конвенцияларнинг қоидаларига мувофиқ қўлланилади. Бундай қоидалар бўлмаган тақдирда тегишли мамлакатларнинг ҳар бири ўзлари учун бу принципни қўллаш шартларини белгилаб олади.

(4) Олдинги қоидалар Иттифоққа янги аъзолар қўшилган ҳолларда ва 7-моддани қўлаш тартибида ёки қўшимча шартдан воз кечишлар оқибатида ҳимоя кенгайдиган ҳолларда ҳам қўлланилади.

19-модда

[Конвенцияда кўзда тутилганига нисбатан кенгрок ҳимоя]

Ушбу Конвенция қоидалари Иттифоқнинг у ёки бу мамлакати қонунчилиги томонидан тақдим этилиши мумкин бўлган кенгрок ҳимояни талаб қилиб олишига қаршилик қилмайди.

20-модда

[Иттифоқ мамлакатлари ўртасида махсус битимлар]

Иттифоқ аъзолари ҳукуматлари ўзлари ўртасида муаллифларга ушбу Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларга қараганда кенгрок ҳуқуқларни тақдим этадиган ҳамда ушбу Конвенцияга қарши келмайдиган бошқа қоидаларни ўз ичига оладиган махсус келишувларга кириш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қолади. Бу талабларни қондирувчи амалдаги келишув қоидалари эса қўлланишда давом этади.

21 -модда

[*Ривожланаётган мамлакатларга тааллуқли махсус қоидалар*: 1. қўшимча бўлимга илова; 2. қўшимча бўлим - ҳужжатнинг бир қисми]

(1) Ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлган махсус қоидалар қўшимча бўлимда келтирилган.

(2) 28-модданинг (1) в-қоидаларини инобатга олган ҳолда қўшимча бўлим ушбу ҳужжатнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

22- модда

(*Ассамблея*: 1. Таъсис этилиши ва таркиби; 2. Вазифалари; 3. Қворум, овоз бериш, қузатувчилар; 4. Чақирик; 5. Тартиб-қоидалар)

(1) (а) Иттифоқ, 22-дан 26-гача бўлган моддаларга кўра бир-бири билан боғланган Иттифоқ мамлакатлари вакилларида таркиб топган ўз Ассамблеясига эга.

(б) ҳар бир мамлакат ҳукумати биттадан вакил орқали ўз ўринбосари, маслаҳатчилари ва экспертларига эга бўлиши мумкин.

(с) ҳар бир делегация харажатларини делегацияни тайинлаган ҳукумат қоплайди.

(2) а) Ассамблея:

(i) Иттифоқни сақлаб қолиш, унинг ривожланиши ва ушбу Конвенциянинг қўлланишига доир барча масалаларни кўриб чиқади;

(ii) Конвенцияда қайд этиб ўтилган Интеллектуал мулк халқаро бюросига (бундан кейин "Халқаро бюро" деб юритилади) Бутунжахон интеллектуал мулк ташкилотига (бундан кейин "Ташкилот" деб юритилади) ташкил этадиган 22- дан 26- гача бўлган моддалар қоидалари билан боғланмаган Иттифоққа аъзо мамлакатлар мулоҳазаларига эътибор қилган ҳолда қайта кўриб чиқиш бўйича конференцияларга тайёргарлик ишларида топшириқлар беради;

(iii) Иттифоққа тегишли бўлган ташкилотнинг Бош директори фаолияти ва ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда унга Иттифоқ ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур бўлган барча кўрсатмаларни беради:

(iv) Ассамблеянинг Ижро қўмитаси аъзоларини сайлайди;

(v) ўз ижро қўмитаси ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, унинг фаолиятини мақуллайди ҳамда унга кўрсатмалар беради;

(vi) Дастурларни белгилайди, Иттифоқнинг уч йиллик бюджетини қабул қилади ва унинг молиявий ҳисоботларини тасдиқлайди;

(vii) Иттифоқнинг молиявий регламентини тасдиқлайди;

(viii) Иттифоқ мақсадларини рўёбга чиқариш учун зарур бўладиган эксперт қўмиталарини ва ишчи гуруҳларини ташкил этади;

(ix) Иттифоқ аъзоси бўлмаган қайси мамлакатлар, қайси ҳукуматлараро ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар ўзининг мажлисларида кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкинлигини аниқлайди;

(x) 22-дан 26-гача бўлган моддаларга ўзгартиришларни киритади;

(xi) Иттифоқ мақсадларига эришишга йўналтирилган бошқа ҳар қандай зарур ҳаракатларни бажаради;

(xii) ушбу Конвенция моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа барча вазифаларни бажаради;

(xiii) ўзининг розилиги шартига кўра Ташкилотни таъсис этувчи Конвенция томонидан тақдим этилган ҳуқуқларни амалга оширади.

b) Ташкилот маъмурияти томонидан амалга оширилаётган ва бошқа Иттифоқлар учун ҳам қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича, Ташкилотнинг Мувофиқлаштирувчи қўмитаси фикрини эшитиб Ассамблея қарор қабул қилади.

(3) (a) Ассамблея ҳар бир аъзо мамлакат битта овозга эга,

b) Ассамблеяга аъзо мамлакатларнинг ярми кворумни ташкил этади;

(с) Агар бирон-бир сессияда қатнашаётган мамлакатларнинг сони барча аъзо мамлакатлар сонининг ярмидан оз, бироқ Ассамблеяга аъзо мамлакат вакиллари умумий сонининг учдан бирига тенг ёки ундан кўп бўлса, юқоридаги келтирилган (b)-банд қондасига қарамасдан Ассамблея қарор қабул қилиши мумкин: лекин ўзининг тартиб-қоидаларига тегишли бўлган қарорлардан ўзга барча қарорлар қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирдагина кучга кирилади. Халқаро бюро кўзда тутилган қарорларни сессияда қатнашмаган Ассамблея аъзоларига юборади ва уларни, қарорлар бўйича овоз берганлиги, қарши чиқишгани ёки бетараф бўлганликлари тўғрисида ёзма равишда қарор юборилган кундан уч ой муддат ичида хабар беришга таклиф этишади. Агар кўрсатилган муддат ичида овоз берганликлари ёки бетараф бўлганликлари тўғрисида хабар берган мамлакатлар сони сессиянинг ўзида кворумга эришиш учун зарур бўлган кўпчилик сақланган тақдирдагина кучга кирилади.

d) Ассамблея 26- (2)-модда қоидаларига риоя этиш шарти билан берилган овозларни учдан икки қисми, яъни кўпчилик фикри асосида ўз қарорларини қабул қилади.

e) Бетараф бўлган овозлар ҳисобга олинмайди.

f) Вакил фақатгина битта мамлакат номидан қатнашиши ва унинг номидан овоз бериши мумкин.

(g) Ассамблеяни аъзоси бўлмаган мамлакат Иттифоқ мамлакатлари Ассамблеяси мажлисларида кузатувчи сифатида қатнашишига йўл қўйилади.

(4) (a) Ассамблеянинг навбатдаги сессияси уч йилда бир марта Бош директорнинг чақирувиغا асосан йиғилади. Ташкилотнинг Бош Ассамблеяси истисно ҳолатлари бўлганда жойлашган жойда, бир вақтда чақирилади.

b) Ассамблея навбатдан ташқари сессияларига Ассамблея Ижро қўмитасини ёки Ассамблея мамлакат аъзоларининг тўртдан бирининг талабига кўра Бош директор томонидан чақирилгандан сўнг йиғилади.

(5) Ассамблея ўзининг тартиб қоидаларини белгилайди.

23-модда

(Ижро қўмитаси: 1) Таъсис этиш; 2) Таркиби; 3) Аъзолар сони; 4) Географик тақсимот; махсус битимлар; 5) Муддат, қайта сайлаш доираси, сайлов қоидалари; 6) Мақсадлари; 7) Чақирик; 8) Овоз бериш, кворум; 9) Кузатувчилар; 10. Тартиб қоидалари)

(1) Ассамблея Ижро қўмитасига эга.

(2) (a) Ижро қўмитаси Ассамблея томонидан Ассамблея таркибига кирувчи аъзо мамлакатлар ичидан сайланган мамлакатлардан ташкил топган. Бундан ташқари, Ташкилотнинг "қароргоҳи" жойлашган

мамлакат, 25 (7) b-модда қоидаларини сақлаган ҳолда кўмита таркибидан "ex officio" тартибида битта жой эгаллайди.

b) Ижро кўмитаси аъзоси бўлиш учун ҳар бир мамлакат ҳукумати ўзининг битта вакилига эга ва бу вакил ўзининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари ҳамда экспертларига эга бўлиши мумкин.

c) ҳар бир делегациянинг харажатлари уни тайинлаган ҳукумат томонидан қопланади.

(3) Ижро кўмитаси таркибидаги мамлакатлар сони Ассамблея таркибидаги аъзо мамлакатлар сонининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Эгалланиши мўлжалланган ўринларни аниқлашда тўртдан бир сон миқдоридан ҳосил бўлган қолдиқлар инобатга олинмайди.

(4) Ижро кўмитаси аъзоларини сайлаш давомида Ассамблея катта эътиборни мамлакатларнинг адолатли географик тақсимот принципига қаратиши билан боғлиқ бўлган иштирокчи мамлакатларнинг иттифоқи билан махсус шартномалар ишлаб чиқиши, Ижро кўмитаси таркибига кирувчи мамлакатлар қаторида бўлиш масалаларини кўриб чиқиши мумкин.

(5) (a) Ижро кўмитаси аъзолари ўз вазифаларини ўзлари сайланган Ассамблея сессиясининг ёпилишига қадар кейинги навбатдаги Ассамблея сессияси ёпилишигача амалга оширадilar.

b) Ижро кўмитаси аъзолари қайта сайланишлари мумкин, аммо бундай аъзоларнинг сони умумий таркиб сонининг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак.

c) Ассамблея Ижро кўмитаси аъзоларини сайлаш ва қайта сайлаш ҳолатларини батафсил қоидалар орқали белгилайди.

(6) (a) Ижро кўмитаси:

(i) Ассамблея кун тартибига масалаларни тайёрлайди;

(ii) Иттифоқнинг Бош директор томонидан тайёрланган уч йиллик бюджети ҳамда дастурий лойиҳалари билан боғлиқ таклифларини Ассамблеяга тақдим этади;

(iii) Дастур ҳамда уч йиллик бюджет доирасида Бош директор томонидан тайёрланган йиллик дастурлар ва бюджетларни қабул қилади;

iv) молиявий тафтишларнинг йиллик ҳужжатлари ва Бош директорнинг жорий ҳисоботларини муайян тузатишлар билан Ассамблеяга тақдим этади;

(v) Ассамблея қарорларига мувофиқ ҳамда унинг навбатдаги икки сессиялари орлиғидаги вазиятларни инобатга олишни таъминлаш мақсадида барча муҳим чораларни қўллайди;

(vi) Мазкур Конвенцияга мувофиқ ўзига юклатилган бошқа барча вазифаларни бажаради.

b) Маъмурий ишлар олиб бораётган Ташкилот томонидан бошқариладиган бошқа Иттифоқлар аъзолари манфаатларини ифода этувчи масалалар бўйича Ижро қўмитаси Ташкилотнинг Мувофиқлаштирувчи қўмитаси мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қарор чиқаради.

(7) (a) Ижро қўмитаси Бош директор чақируви асосида йилда бир марта навбатдаги сессияни ўтказди. Мазкур сессия Ташкилотнинг Мувофиқлаштирувчи қўмитаси йиғинининг вақти ва жойи билан бир пайтда ўтказилишига ҳаракат қилинади.

b) Ижро қўмитасининг фавқулудда сессиялари Бош директорнинг шахсий ташаббуси ёки Раиснинг илтимосига биноан ёки Ижро қўмитаси аъзоларининг тўртдан бир қисми талаби асосида чақирилади.

(8) (a) ²ар бир мамлакат ижро қўмитасининг аъзоси овозга эга.

b) Ижро қўмитасига аъзо мамлакатларнинг ярми кворумни ташкил этади.

c) Қарор оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

d) Бетараф овозлар инобатга олинмайди.

e) Вакил фақатгина бир мамлакат вакиллигини амалга ошириши мумкин ва унинг номидан овоз бериши мумкин.

(9) Ижро қўмитаси аъзолари бўлмаган Иттифоқ таркибидаги мамлакатлар қўмита мажлисларида кузатувчи сифатида қатнашадилар.

(10) Ижро қўмитаси ўз тартиб-қоидаларини қабул қиладилар.

24- модда

[Халқаро бюро: 1. Умумий вазифалар, Бош директор; 2. Умумий маълумотлар; 3. Журнал; 4. Мамлакатлар учун маълумот; 5. Тадқиқотлар ва хизматлари; 6. Мажлисларда иштирок этиш; 7. қайта кўриш бўйича конференция; 8. Бошқа вазифалар]

(1) a) Саноат мулкани ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция томонидан ташкил этилган, Иттифоқ бюроси билан бирлашган, Иттифоқ бюроси давомчиси бўлмиш Халқаро бюро Иттифоқнинг маъмурий вазифаларни бажаради.

b) Халқаро бюро, хусусан, Иттифоқнинг турли органларининг котибияти вазифасини бажаради.

c) Ташкилотнинг Бош директори Иттифоқнинг бош мансабдор шахси ҳисобланади ва Иттифоқни намоён қилади.

(2) Халқаро бюро муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир маълумотлар тўплайди. Иттифоқ таркибидаги ҳар бир мамлакат муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳар бир янги қонун матни ва бошқа барча расмий ҳужжат матнларини Халқаро бюрога тақдим этади.

(3) Халқаро бюро ўзининг ойлик журналинини нашр этади.

(4) Иттифоқ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакат талабига кўра Халқаро бюро муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича барча маълумотларни тақдим этади.

(5) Халқаро бюро муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни энгиллаштириш мақсадида турли хил тадқиқотлар ва хизмат кўрсатади.

(6) Ассамблея, Ижро қўмитаси, экспертларнинг ҳар қандай қўмита ҳамда ишчи гуруҳи мажлисларида қатнашувчи Бош директор ва у тайинланган бошқа ҳар қандай аъзо овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. ўз лавозимига кўра Бош директор ҳамда у томонидан тайинланган таркиб аъзоси мазкур органларнинг котиблари ҳисобланади.

(7) а) Халқаро бюро Ассамблея кўрсатмаларига биноан ва Ижро қўмитаси билан ҳамкорликда Конвенциянинг 22-дан 26-га қадар моддаларида кўзда тутилмаган қоидаларини қайта муҳокама қилиш бўйича конференцияларни тайёрлайди.

б) Халқаро бюро қайта муҳокама бўйича ўтказиладиган конференциялар юзасидан халқаро ҳукуматлараро ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар билан маслаҳатлашиши мумкин.

(с) Бош директор ва у томонидан тайинланган ходимлар ушбу конференцияларда овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашади.

(8) Халқаро бюро ўзига юклатилган бошқа ҳар қандай вазифаларни бажаради.

25-модда

[*Молия*: 1.Бюджет; 2.Иттифоқнинг бошқа аъзо мамлакатлари билан мувофиқлаштириш; 3.Манбаалар; 4.Бадаллар: олдинги бюджетни чўзиш имконияти; 5.Тўловлар; 6.Айланма воситалар жамғармаси; 7.Ташкилот қароргоҳи жойлашган мамлакат ҳудудидаги ҳукуматнинг олдиндан ажратилган тўловлари; 8.Молиявий тафтиш]

(1) (а) Иттифоқ ўз бюджетига эга.

б) Иттифоқнинг бюджет таркибига Иттифоқнинг кириш ва чиқимлари, Иттифоқлар учун умумий ҳисобланадиган унинг чиқимлар бюджетига бўлган бадаллар ҳамда муайян ҳолларда Ташкилот Конференциясининг бюджетига бўлган ажратмалар киради.

(с) Иттифоқлар учун умумий бўлган чиқимлар бир пайтнинг ўзида битта ёки бир қанча Иттифоқлар учун яъни ташкилот бошқараётган маъмуриятларга мўлжалланган чиқимлар ҳисобланади. Иттифоқнинг умумий чиқимлардаги улуши унинг шу чиқимлардаги манфаатдорлик даражасига боғлиқ.

(2) Иттифоқ бюджети бошқарилиши Ташкилот томонидан бошқариладиган бошқа Иттифоқлар бюджетларининг муайян талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

(3) Иттифоқ бюджети қуйидаги манбалардан молиялаштирилади:

(i) Иттифоқ мамлакатлари бадаллари;

(ii) Иттифоққа тегишли Халқаро бюро хизматлари учун йиғим ва тўловлар;

(iii) Иттифоққа тегишли Халқаро бюро томонидан чоп этилган нашриётлар сотилиши эвазига келиб тушган даромадлардан ҳамда ушбу нашриётларга бўлган ҳуқуқларни беришдан;

(iv) ҳадялардан, субсидиялар ҳамда мерос қилинган мулкдан;

(v) Рентадан ҳамда фоизлар ва бошқа турли даромадлардан.

(4) а) Иттифоққа кирувчи ҳар бир мамлакатнинг йиллик бадал миқдори маълум даражага тегишли бўлиб, белгилаш қуйидаги ўрнатилган сон бирлиги асосида тақсимланади:

I даража25

II даража.....20

III даража.....15

IV даража.....10

V даража.....5

VI даража3

VII даража1

б) Ушбу тақсимланишни олдинроқ белгиламаган ҳар бир мамлакат ўзининг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатини топшириш пайтида қайси даражага бириктирилиши хоҳлашини ифода этиши ва буни қайд этиши лозим. Ҳар қандай мамлакат ўз даражасини ўзгартириши мумкин. Мамлакат пастки даражалардан бирини танласа, бу қарор Ассамблеянинг навбатдаги сессиясида маълум қилиниши лозим. Мазкур ўзгартириш ушбу сессия тугаши билан кейинги календарь йилининг бошидан бошлаб кучга киради.

с) Ҳар бир мамлакатнинг йиллик бадали Иттифоқнинг бюджетига бадал тўловининг суммасига, яъни барча мамлакатлар ҳар йили тўлайдиган бадал тўлови миқдорига тенг бўлиб, унинг бирликлари

миқдори барча бадал тўлайдиган мамлакатларнинг умумий бирликлари миқдорига таалуқлидир.

d) Бадаллар ҳар йилнинг 1 январидида тўланиши лозим.

e) Иттифоққа аъзо мамлакатлар қарзлари охириги икки йилга тенг ёки ундан ортиқ бўлса Иттифоққа кирувчи аъзо мамлакат унинг барча органларида ўзининг овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бирок мамлакат аъзо бўлган Иттифоқ органларида тўловнинг кечиктирилишининг истиснолиги ва иложсиз сабабларини кўрсатган ушбу мамлакатга ўз овоз ҳуқуқидан фойдаланишга рухсат беради.

f) Молиявий регламент томонидан ўрнатилган қоидага биноан янги молиявий йил бошланишидан олдин бюджет қабул қилинмаган бўлса, олдинги йил даражасида қабул қилинган бюджет юритилади.

(5) Иттифоқ номидан Халқаро бюро кўрсатаётган хизматлар учун тўловлар ва йиғимлар миқдори тўғрисида Ассамблея ва Ижро қўмитасига хабар бериш Бош директор томонидан ўрнатилади.

(6) а) Иттифоқ ўзининг айланма маблағлар жамғармасига эгадир. Ушбу жамғарма Иттифоқ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакат томонидан киритиладиган бир марталик тўловлар орқали ташкил топади. Айланма маблағлар жамғармаси етарли деб топилмаса, Ассамблея жамғарма маблағларини кўпайтириш масаласини кўриб чиқади.

б) ҳар бир мамлакатнинг мазкур жамғармага киритган бирламчи тўлов миқдори ушбу жамғарма захирасини ошириш мақсадида қўшган улуши шу мамлакатнинг жамғарма ташкил топган мазкур йилда киритган бадали ёки уни ошириш бўйича қабул қилган қарори билан пропорционал ҳисобланади.

с) Ушбу пропорция ва тўлов шартлари Ташкилотнинг мувофиқлаштириш қўмитаси фикр-мулоҳазаазаларини тўплаб Бош директор маслаҳатига кўра Ассамблея томонидан белгиланади.

(7) а) Ташкилот қароргоҳи жойлашган мамлакат билан қароргоҳ тўғрисидаги имзоланган шартномада айланма маблағлар жамғармаси етарли бўлмаган вазиятда ушбу мамлакат аванс тўловларини амалга ошириши кўзда тутилади. Ушбу аванслар миқдори ҳамда уларни бериш шартлари мазкур мамлакат ва ташкилот орасидаги махсус шартнома предмети ҳисобланади. Аванс тўлови мажбуриятини ўз зиммасига олган мамлакат ушбу мажбуриятни бажариш давомида Ижро қўмитаси таркибидан бир ўрин эгаллайди.

б) Ёзма шаклда билдиришнома юбориш орқали ҳам ташкилот ушбу модданинг (а)-қисмида айтиб ўтилган мамлакат аванс тўловларини амалга ошириш бўйича берган мажбуриятларини

денонсация қилишлари мумкин. Денонсация билдиришнома берилган йил тугаши билан уч йилдан кейин кучга киради.

(8) Молиявий тафтиш Иттифоқ таркибидаги бир ёки бир неча мамлакатларнинг молиявий регламент қоидалари асосида ёки Ассамблея розилиги билан тайинланган ташқи тафтишчилар томонидан амалга оширилади.

26-модда

[Ўзгартириш: 1) Ассамблея томонидан ўзгартирилиши мумкин бўлган қоидалар; таклифлар; 2. қабул қилиш; 3. Кучга кириши]

(1) 22-, 23-, 24-, 25- ҳамда мазкур моддада ўзгартиришлар киритиш таклифини Ассамблеянинг ҳар қайси аъзо мамлакати, Ижро қўмитаси ёки Бош директор амалга ошириши мумкин. Ушбу таклифлар Ассамблея мажлисларида кўриб чиқилишидан олти ой олдин Ассамблея аъзо мамлакатларига Бош директор томонидан жўнатилади.

(2) (1)-бандда назарда тутилган моддаларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритиш Ассамблея томонидан амалга оширилади, бунинг учун эса тўртдан уч кўпчилик овоз талаб қилинади; бироқ ушбу банд ва 22- моддага ҳар қандай ўзгартириш киритиш бешдан тўрт кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

(3) Моддаларга киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар ҳар бир мамлакатнинг ўз конституциявий қоидалари асосида қабул қилинади. Ассамблеяга аъзо мамлакатларнинг тўртдан уч қисми (1)-қисмда кўрсатилган моддаларга ушбу ўзгартиришларни қабул қилганлиги тўғрисида ёзма шаклдаги билдиришномани Бош директор қабул қилганидан сўнг бир ой ўтгач кучга киради. Мазкур ўзгартиришлар кучга кириш даврида Ассамблеянинг барча аъзо мамлакатлари ёки бу ўзгаришлар кучга кирганидан сўнг Ассамблея таркибига кирган янги мамлакатлар учун мажбурий хусусиятга эга. Бироқ Иттифоқ мамлакатларининг молиявий мажбурятларини оширишга олиб келадиган ҳар қандай ўзгартириш фақатгина уни ёзма билдиришнома орқали қабул қилган мамлакатлар учун мажбурий хусусиятга эга.

27- модда.

[Қайта кўриш: 1) Мақсад; 2) Конференциялар; 3) қабул қилиш]

(1) Иттифоқ тизимини такомиллаштириш мақсадида ушбу Конвенция матнига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

(2) Ушбу мақсадлар йўлида Иттифоқ мамлакатларида навбатма – навбат тайинланган мамлакатлар вакилларининг иштирокида конференциялар ўтказилади.

(3) 22-дан 26-гача бўлган моддаларга нисбатан ўзгартиришлар киритилаётганда 26-модда таркибини инобатга олган ҳолда қўшимча

бўлимни ўз ичига олган мазкур ҳужжатни қайта кўриш масаласи барча овозларнинг розилигини талаб қилади.

28-модда

(*Ҳужжатнинг Иттифоқ мамлакатлари учун қабул қилиниши ва кучга кириши*: 1) Ратификация, қўшилиш; муайян қодалар истисноси мумкинлиги; истиснони олиб ташлаш; 2) 1-дан 21-га қадар моддалар ҳамда қўшимча бўлимнинг кучга кириши; 3) 22-дан 38-га қадар моддаларнинг кучга кириши).

(1) (а) Мазкур ҳужжатга имзо қўйган Иттифоқнинг ҳар бир аъзо мамлакати уни ратификация қилиши ёки имзоламаган бўлса унга қўшилиши мумкин. Ратификация ёрлиқлари ва қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун Бош директорга топширилади.

б) Иттифоқнинг ҳар бир мамлакати ўзининг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат ҳақида баёнот бериб ушбу ҳужжатлар 1-дан 21-га қадар моддалар ҳамда қўшимча бўлимга тарқалмаслигини қайд этишлари мумкин. Бироқ ушбу ҳужжатлар тўғрисида мамлакат баёнот бериб бўлган бўлса, у ҳолда қўшимча бўлимнинг VI-моддаси (1)-бандига мувофиқ мамлакат ушбу ҳужжатларда фақатгина 1-дан 20-га қадар моддаларни ратификация қилиш ёки қўшилиш ёки қўшилмаслиги тўғрисида баёнот киритади.

с) Иттифоқнинг ҳар бир мамлакати b-банд қодаларига асосан муайян вазиятлардан ўзининг ратификация қилиш ёки қўшилиш ваколоти доирасида четлашган бўлса ҳам уларни кейинчалик ўзининг ратификация қилиш ёки қўшилиши тўғрисидаги ҳолатлар бу ҳолатларга ҳпм тегишли деб баёнот бериши мумкин. Бундай баёнот сақлаш учун Бош директорга топширилади.

(2) (а) 1-дан 21-га қадар бўлган моддалар ва қўшимча бўлим уч ойдан сўнг қуйидаги икки шарт бажарилганидан кейин кучга киради:

(i) Иттифоқ таркибидаги энг камида беш мамлакат ушбу ҳужжатга (1) b-бандида кўзда тутилган баёнотни бермасдан қўшилиши ёки ратификация қилиши мумкин;

(ii) Испания, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги, Америка қўшма Штатлари ва Франция 1971 йил 24 июль Парижда қайта кўрилган Муаллифлик ҳуқуқи бўйича умумжаҳон конвенцияси билан ўзаро боғлиқ бўлсалар.

б) a-бандда кўзда тутилган ҳолатлар ушбу ҳужжатнинг қоида бўйича кучга киришидан камида уч ой олдин (1) b-банддаги баёнотни қилмасдан туриб ўз ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш ҳужжатларини сақлаб қўйиш учун топширган мамлакатлар учун кучга эга бўлади.

с) (1) b-бандида кўзда тутилган баёнотни бермасдан ушбу ҳужжатни ратификация қилган ёки унга қўшилган Иттифоқнинг исталган мамлакатига нисбатан b-кичик банд қўлланилмайди, 1-дан 21-гача бўлган моддалар ва қўшимча бўлим Бош директор томонидан ратификация ёрликлари ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлаш учун топширилган мамлакатларнинг ёзма билдиришномалар олган санадан бошлаб уч ой муддатдан сўнг кучга киради. Ушбу ҳужжатларда кучга кириш санаси янада кечиктирилган бўлса, у ҳолда ана шу сана амал қилади.

d) a- ва с- кичик бандларнинг қоидалари қўшимча бўлимнинг VI моддаси қўлланишига таъсир этмайди.

(3) (1) b-бандда кўзда тутилган баёнот қилиб ёки қилмасдан туриб ушбу ҳужжатни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай мамлакатга нисбатан 22-дан 38-га қадар бўлган моддалар Бош директорга мамлакатлар томонидан ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат топширилгани ҳақида хабар етказилган муддатдан бошлаб уч ой ўтганидан сўнг кучга киради, агар мамлакат топширган ратификация ёрлиғида ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатда кечроқ муддат кўзда тутилмаган бўлса. Охирги ҳолда 22-дан 28-гача бўлган моддалар бу мамлакатга нисбатан шу ҳужжатларда белгиланган муддатда кучга киради.

29-модда

[Иттифоққа аъзо бўлмаган мамлакатлар учун қабул қилиш ва кучга кириши: 1. Қўшилиш; 2. Кучга кириши]

(1) Иттифоққа аъзо бўлмаган мамлакатлар ушбу Конвенцияга қўшилиши ва шу тарзда Конвенцияга кирган томонлардан бири бўлиши ҳамда Иттифоққа аъзо мамлакатга айланиши мумкин. Конвенцияга қўшилиш ҳужжатлари сақлаш учун Бош директорга топширилади.

(2) а) Ушбу модданинг b-банди қоидаларига биноан Иттифоққа аъзо бўлмаган мамлакат учун ушбу Конвенциянинг кучга кириши, агар қўшилиш ҳужжатида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, Бош директордан қўшилиш ҳужжати топширилгани ҳақидаги хабарнома олинганидан уч ой кейин амалга ошади. Акс ҳолда Конвенция қўшилувчи мамлакат учун қўшилиш ҳужжатида кўрсатиб ўтилган муддатдан кучга киради.

б) Ушбу модданинг (а) банди кучга кириши Конвенциянинг 1-дан 21-моддалари ва қўшимча бўлимнинг кучга киришидан олдин содир бўлса, ўша мамлакат учун шу вақт мобайнида 1-дан 21-моддалар ва қўшимча бўлим ўрнига ушбу Конвенциянинг Брюссель ҳужжати 1-дан 20 -моддалари кучга эга бўлади.

29 bis-модда

(Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Конвенциянинг 14 (2)-моддаси мақсадлари учун ҳужжатнинг қабул қилиниши оқибатлари)

Ушбу ҳужжатнинг ратификация этилиши ёки унга ушбу Конвенциянинг Стокгольм ҳужжати 22-дан 39-моддалари қоидалари билан боғланмаган ҳар қайси мамлакат томонидан қўшилиш фақатгина ушбу Конвенциянинг Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи 14 (2)-моддаси мақсадлари учун амалга оширилади ва ушбу ҳужжатнинг 28 (1) b (i)-моддаси асосида юқорида таъкидлаб ўтилган Стокгольм ҳужжати маълум чекланишлар асосида ратификация этиш ёки унга қўшилишга тенгдир.

30-модда

[Қўшимча шартлар: 1. Қўшимча шарт киритиш имкониятини чеклаш; 2. Олдин киритилган қўшимча шартлар, таржима қилиш ҳуқуқига нисбатан киритилган қўшимча шартлар; қўшимча шартларни олиб ташлаш]

1. Ушбу модданинг (2)-банди, 28-модданинг (1) b, 33-модданинг (2)-бандлари ва қўшимча бўлимда кўзда тутилган истиснолардан ташқари, Конвенцияни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш ушбу Конвенцияда ўрнатилган қоида ва имтиёзларга тўғридан-тўғри тарзда эга бўлишга олиб келади.

(2) (a) Ушбу ҳужжатни ратификация қиладиган ёки унга қўшиладиган Иттифоққа аъзо ҳар қандай мамлакат қўшимча бўлимнинг V-моддаси (2) -бандини эътиборга олган ҳолда, ўзи томонидан олдин тузиб чиқилган изоҳларга нисбатан имтиёзларини сақлаб қолиши мумкин, агар у ратификация ёрлиғини ёки Конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун деопозитарийга топшириш вақтида бу ҳақда баёнот билан мурожаат қиладиган бўлса.

b) Иттифоққа аъзо бўлмаган ҳар қандай мамлакат ушбу Конвенцияга қўшилиш вақтида қўшимча бўлимнинг V (2)-моддасини эътиборга олиб ва ушбу қоидалар мамлакатда кенг қўлланиладиган тилдаги таржимага қўлланилишини яхши англаган ҳолда таржимага бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги 8-моддани ҳеч бўлмаганда вақтинчалик асосда 1886 йилда қабул қилинган ва 1896 йили Парижда тўлдирилган Иттифоқ Конвенциясининг 5-моддаси қоидалари билан алмаштириши мумкинлиги ҳақида баёнот қила олади. қўшимча бўлимнинг 1 (6) b-моддасини эътиборга олган ҳолда, Иттифоқнинг ҳар бир мамлакати бундай қўшимча шартдан фойдаланувчи мамлакатда яратилган асарни таржима қилишга бўлган ҳуқуққа нисбатан ўша мамлакатда белгиланган ҳимояга тенг ҳимояни қўллаш ҳуқуқига эга.

(с) ҳар қандай мамлакат бундай қўшимча шартларни Бош директорга ёзма хабар берган ҳолда хоҳлаган вақтида бекор қилиш ҳуқуқига эга.

31-модда

[*Баъзи бир ҳудудларга қўллаш*: 1. Мурожаат; 2. Мурожаатни бекор қилиш; 3. Кучга кириш санаси; 4. Мавжуд ҳолатларни инобатга олиш назарда тутилмайди]

(1) ҳар қайси мамлакат ўзининг ратификация ёрлиғида ёки Конвенцияга қўшилиш ҳужжатида ёхуд Бош директорга кейинчалик юборган билдириш хатида ушбу Конвенция унинг бутун ҳудуди ёки баъзи бир ҳудудларда қўлланиши мумкинлиги ва ушбу ҳудудларда олиб бориладиган халқаро муносабатлар учун жавобгарликни ўз бўйнига олиши ҳақида хабар бериши мумкин.

(2) Бундай мурожаат билан чиққан ҳар қайси мамлакат Бош директорга хоҳлаган вақтида Конвенциянинг ўзининг бутун ҳудудига ёки баъзи ҳудудларига нисбатан амал қилишининг тўхтатилиши ҳақида хабар бериши мумкин.

(3) а) Ушбу-модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай мурожаат ратификация ёки қўшилиши ҳужжатлари билан бирга тақдим этилган ҳолда улар билан бир вақтда кучга киради, юқорида таъкидлаб ўтилган-бандга биноан ҳар қандай билдириш хати эса Бош директорга билдириш хати берилганидан уч ой ўтганидан сўнг кучга киради.

б) Ушбу модданинг (2)-бандига мувофиқ юборилган ҳар қандай билдириш хати Бош директор қўлига етиб борганидан ўн икки ой ўтганидан кейин кучга киради.

(4) Ушбу моддани ҳар қандай ҳолатларда жимлик тан олиш сифатида талқин қилиш мумкин эмас. Шунингдек, ушбу Конвенциянинг бирон-бир мамлакат томонидан бошқа бир мамлакатнинг ушбу модда (1)-бандида кўзда тутилган мурожаатнома бўйича эълон қилган ҳудудига нисбатан қўлланилишига йўл қўйилмайди.

32-модда

[*Ушбу ҳужжатни ва олдинроқ қабул қилинган ҳужжатларни қўллаш*: 1. Иттифоққа аъзо мамлакатлар орасида; 2. Иттифоққа аъзо бўлаётган исталган мамлакат ва Иттифоққа аъзо мамлакатлар орасида; 3. Баъзи бир муносабатларда қўшимча бўлимнинг қўлланилиши]

1) Ушбу ҳуқуқий ҳужжат Иттифоққа аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда 1886 йил 9 сентябрда қабул қилинган Берн конвенцияси ва уни тартибга соладиган барча ҳужжатларнинг ўрнини босади. Олдин кучга кирган барча ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу

Конвенцияни ратификация қилмаган ёки унга қўшилмаган Иттифоққа аъзо мамлакатларга нисбатан амал қилиш кучини йўқотмайди.

(2) Иттифоққа аъзо бўлмаган аммо (3)-бандга асосан ушбу ҳужжатлар томонларидан бири бўлиб ҳисобланадиган мамлакатлар Конвенцияни ҳар қандай Иттифоққа аъзо, аммо ушбу Конвенцияга қўшилмаган ёки қўшилган бўлса ҳам ушбу ҳужжатнинг 28-моддаси (1) б-бандига асосан баёнот берган мамлакатларга нисбатан қўллайди. Бундай мамлакатлар юқорида таъкидлаб ўтилган Иттифоқ мамлакатлари ўзларининг муносабатларида қуйидагиларни тан олади:

(i) ўзлари қўшилган охириги ҳуқуқий ҳужжат ҳолатларини қўллаши мумкинлигини ва

(ii) қўшимча бўлимнинг I (б)-моддасига асосланган ҳолда ушбу ҳужжатда кўрсатилган ҳимоя даражасига мослашиши мумкинлигини.

(3) қўшимча бўлимнинг бирон-бир имкониятларидан фойдаланган ҳар қайси мамлакат ушбу ҳужжатга алоқаси бўлмаган Иттифоққа аъзо бўлмаган ҳар қайси мамлакатга нисбатан қўшимча бўлимнинг ҳуқуқ ва имкониятларига тааллуқли ўзи фойдаланган ҳолатларни қўллаши мумкин, агар шу мамлакат бунга рози бўлса.

33-модда

[*Низолар:* 1. Халқаро Суд юрисдикцияси; 2. Бундай юрисдикцияга нисбатан қўшимча шарт; 3. қўшимча шартни бекор қилиш]

(1) Иттифоққа аъзо икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар томонидан ушбу Конвенциянинг талқин қилиниши ёки қўлланишига тааллуқли ва музокаралар орқали ҳал этилмаган ҳар қандай низони, агар томонлар низони бошқа йўллар билан ҳал этиш чорасини топишмаса, ишнинг Суд Статутига мувофиқ берилган ариза орқали низодаги бирон-бир мамлакат Халқаро Судга мурожаат этиши мумкин. Судга ариза бераётган мамлакат Халқаро бюрога Судга берилган низо ҳақида хабар бериши лозим; Халқаро бюро эса ўз навбатида бу ҳақда Иттифоққа аъзо бошқа мамлакатларни хабардор этиши керак.

(2) Ушбу ҳужжатни имзолаш, ратификация ёрлиғини ёки қўшилиш ҳужжатини топшириш вақтида ҳар қайси мамлакат ўзининг (1)-банд қоидаларига боғланмаганлиги тўғрисида баёнот бериши мумкин. Бундай мамлакатлар ва Иттифоқнинг бошқа ҳар қандай аъзо мамлакатлар орасида келиб чиққан низолар пайтида бундай мамлакатларга нисбатан (1)-банд ҳолати қўлланилмайди.

(3) (2) -банд қоидаларига асосланган ҳолда баёнот қилган ҳар қандай мамлакат хоҳлаган вақтида ушбу баёнотномасини Бош директорни хабардор этган ҳолда қайтариб олиши мумкин.

34-модда

[*Баъзи бир эскироқ қоидаларни ётиши*: 1. Олдинги ҳужжатлар; 2. Стокгольм ҳужжатиға Протокол]

(1) 29 bis-моддани инобатга олган ҳолда ҳеч қайси мамлакат ушбу Конвенциядан олдин қабул қилинган ҳужжатларни ратификация қила олмайди, шунингдек, улар қўшимча бўлимнинг 1-дан 21-гача бўлган-моддалари кучга киргандан сўнг бошқа ҳужжатларга қўшила олмайди.

(2) қўшимча бўлимнинг 1-дан 21-моддаларигача кучга киргандан сўнг ҳеч қайси мамлакатга Стокгольм ҳужжатиға бириктирилган ривожланаётган мамлакатлар ҳақидаги Протоколнинг 5-моддасида кўрсатилган муурожаат билан чиқишига йўл қўйилмайди.

35-модда

[*Конвенциянинг амал қилиши муддати; денонсация*: 1. Чекланмаган муддат; 2. Денонсация қилиш имконияти; 3. Денонсациянинг кучга кириш муддати; 4. Денонсацияни кечиктириш]

(1) Ушбу Конвенция чекланмаган муддатга амал қилади.

(2) ҳар қайси мамлакат ушбу ҳужжатни Бош директорга билдиришнома жўнатиш орқали денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация бошқа ҳужжатларни ҳам денонсация қилиш демакдир ва бу тарздаги денонсация фақатгина ушбу мамлакатга нисбатан амал қилади. Бошқа Иттифоқ мамлакатларига нисбатан эса Конвенция ўз кучида қолади ва унинг бажарилиши талаб этилади.

(3) Денонсация Бош директор билдиришномани олган кундан бир йилдан кейин кучга киради.

(4) Ушбу-моддада назарда тутилган денонсация ҳуқуқи мамлакат томонидан Иттифоққа аъзо бўлган кунидан беш йил ўтгандан сўнг берилади.

36-модда

[*Конвенциянинг қўлланилиши*; 1. Зарурий чоралар кўриш мажбурияти; 2. Мажбурият пайдо бўлиш вақти]

(1) Конвенцияга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат ўз Конституциясига биноан ушбу Конвенциянинг амал қилиши учун зарурий чоралар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

(2) Конвенцияга аъзо бўлаётган ҳар бир мамлакат, унга аъзо бўлиш вақтида ўз миллий қонунчилигига асосан ушбу Конвенциянинг қоидаларига риоя қилиш имкониятига эга бўлиши кўзда тутилади.

37-модда

[*Хулоса қисми*: 1.ҳужжат тиллари; 2.Имзо; 3.Тасдиқланган нусхалар; 4. Рўйхатдан ўтиш; 5.Билдириш]

(1) (а) Ушбу ҳужжат бир нусхада инглиз ва француз тилларида имзоланади ва (2)-бандга мувофиқ ҳолда Бош директорга сақлаш учун топширилади.

б) ҳужжатнинг расмий матнлари Бош директор томонидан манфаатдор мамлакатлар ҳукуматлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг араб, испан, итальян, немис ва португал тилларида ва, шунингдек, Ассамблея лозим деб топган бошқа тилларда ишлаб чиқилади.

(с) Турли тиллардаги матнларни талқин қилиш вақтида низолар келиб чиқса, афзаллик матннинг француз тилидагисига берилади.

(2) Ушбу ҳужжат 1972 йилнинг 31 январигача имзолаш учун очик. Ушбу муддатгача (1) а-бандда кўрсатилган нусха Франция Республикаси ҳукуматига сақлаш учун топширилади.

(3) Бош директор ҳужжатнинг имзоланган матнини тасдиқлаб, икки нусхада Иттифоққа аъзо барча мамлакатлар ҳукуматларига юборади, шунингдек, сўров бўйича бошқа исталган мамлакат ҳукуматига юборади.

(4) Бош директор ушбу ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида рўйхатдан ўтказди.

(5) Бош директор Иттифоққа аъзо барча мамлакатлар ҳукуматларини ҳужжатнинг имзолаганлиги, ратификация ёрлиқларини ва кўшилиш ҳужжатларини, шунингдек, 28 (1) с-, 30 (2) а ва б- ва 33 (2)-моддаларга биноан ушбу ҳужжатларда ўз аксини топган баёноتلар топширилганлиги, ҳужжатнинг кучга кирган қоидалари тўғрисида, денонсация тўғрисидаги билдиришномалар ва 30 (2) с-, 31 (1) ва (2)-, 33 (3)-, 38 (1)-моддаларга биноан юборилган билдиришномалар ва кўшимча бўлимда кўрсатилган билдиришномалар ҳақида хабар беради.

38-модда

[*Ўттиш қоидалари:* 1."Беш йиллик" имтиёзлардан фойдаланиш; 2. Иттифоқ бюроси; Бюро директори; 3. Иттифоқ бюросининг мерос бўлиб қолиши]

(1) Ушбу ҳужжатни ратификация қилмаган, унга қўшилмаган ёки ушбу Конвенциянинг Стокгольм ҳужжатининг 22-дан 26-гача бўлган моддаларига мажбурият олмаган Иттифоққа аъзо мамлакатлар ўз хоҳишларига кўра ушбу Конвенциядан ва унга кўра аъзо мамлакатларга бериладиган ҳуқуқлардан 1975 йилнинг 26 апрелигача фойдаланишлари мумкин. Бундай ҳуқуқларга эга бўлмоқчи бўлган ҳар қандай мамлакат бу ҳақда Бош директорга билдиришнома жўнатади ва Бош директор ушбу билдиришномани олган вақтдан бошлаб билдиришнома юборган мамлакат бундай ҳуқуқларга эга бўлади. Бундай мамлакатлар юқорида кўрсатилган вақтгача Ассамблея аъзоси ҳисобланадилар.

(2) Иттифоққа аъзо барча мамлакатлар Ташкилотнинг аъзоси бўлмаганига қадар Ташкилотнинг Халқаро бюроси улар учун Иттифоқ бюроси сифатида ҳам ваколат олиб боради. Бош директор эса ушбу Бюронинг директори сифатида фаолият юритади.

(3) Иттифоққа аъзо барча мамлакатлар Ташкилотга аъзо бўлган пайтларидан бошлаб Иттифоқ бюросининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, мулки Ташкилотнинг Халқаро бюросига ўтади.

Қўшимча бўлим.

Ривожланаётган мамлакатларга тегишли махсус Низом.

I модда:

[Ривожланаётган мамлакатларга берилувчи имтиёзлар: 1. Муайян имтиёзларнинг мавжудлиги; Мурожаат. 2. Мурожаат ҳаракатининг давомийлиги. 3. Ривожланаётган мамлакат мақомининг барҳам топиши. 4. Намуналар заҳирасининг мавжудлиги. 5. Муайян ҳудудларнинг алоҳида мурожаати. 6. Узвийликнинг чегаралари]

(1) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан ривожланаётган деб ҳисобланувчи ҳар қандай мамлакат, ушбу қўшимча бўлим ажралмас қисмини ташкил этувчи ҳужжатнинг имзолагач, ёки унга қўшилгач: ўз иқтисодий ва ижтимоий - маданий эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, ўзини дарҳол ушбу ҳужжатда кўрсатилган ҳуқуқларни ишга тушириш ҳолатида деб ҳисобламаса, билдириш йўли билан Бош директорга топширилувчи ратификация ҳужжати ёки ёрлиқ билан бирга, ёки V (1) (с)-модда ёрдамида кейинги ҳар қандай вақт давомида II ёки III моддаларда кўрсатилган имтиёзлардан ёки ҳар икки имтиёздан фойдланишини билдириши мумкин. У имтиёздан фойдаланиш ўрнига (II моддага биноан), V моддага мувофиқ мурожаат қилиши мумкин.

(2) *a)* (1) – банд билан мувофиқликда қилинган ҳар қандай мурожаат, ушбу қўшимча бўлимнинг 28 (2) –моддаси ва 1-дан 21-моддагача бўлган моддаларнинг ишга тушишидан сўнг ўн йилги давр мобайнидан ушбу давр ўтгунича ўз кучини сақлаб қолади. Ушбу турдаги ҳар қандай мурожаат бутунлай ёки қисман, ҳар ўн йиллик давр мобайнида маълум этиш даври билан янгиланиши мумкин. Ушбу мурожаат Бош директорга берилиб, у муддат тугашидан ўн беш ойдан кўп бўлмаган ёки уч ойдан кам бўлмаган муддатда бўлмоғи лозим.

b) ҳар қандай мурожаат (1-бандга мувофиқ 1- ва 21-моддаларнинг ишга тушишидан ўн йиллик даврда ушбу қўшимча бўлимнинг 28 (2)-моддасига биноан, ўн йиллик давр мобайнида ўз кучини сақлаб қолади, а банднинг иккинчи қисмига биноан ҳар қандай мурожаат янгиланиши мумкин.

(3) Иттифоқнинг ҳар қандай аъзоси, қайсики (1)-бандга биноан ривожланаётган мамлакат деб ҳисобланиш тўхтатилгач (2)-бандга мувофиқ ўз мурожаатини янгилай олмайди ва у ўз мурожаатини қайтариб олиш ёки олмасликдан қатъи назар (1)-бандда эслатилган имтиёзлардан фойдалана олмайди, жорий ўн йиллик давр ўтгунга қадар ёки уч йиллик давр ўтгач, у ривожланаётган мамлакат дея ҳисобланмай қўйгач; бу борада кейин ўтувчи давр қўлланади.

(4) (1)-ва (2)-моддаларга биноан қилинган аризалар ўз кучини йўқотгач, захирада бир қатор намуналар сақланиб қолади; улар лицензия бўйича тайёрланган бўлиб, ушбу қўшимча бўлимнинг таъсир доирасига тақдим этилган; ушбу намуналар унинг захираси тугумагунча тарқатишни давом эттириш мумкин.

(5) Ушбу ҳужжат қоидаларига боғланган ҳар қандай мамлакат, қайсики, (31) (1)-моддага мувофиқ сақлаш учун мурожаат ёки билдиришнома топширгач, ушбу ҳужжатнинг қўлланишига оид ҳудудларга нисбатан, қайсики (1)-бандга мувофиқ эслатилган маълумотнома янгилангач, ушбу қўшимча бўлимнинг моддалари ушбу ҳудудларга нисбатан қўлланилади.

(6) а) қандайдир мамлакатнинг имтиёзлардан фойдаланаётганига доир ҳолат (1)-бандга биноан, бошқа бир давлат учун ўша давлат кўрсатаётган намуналарга доир ҳимояни амалга оширишни кам миқдорда кўрсатилишига доир(1-20)-моддаларга мувофиқ имконият туғдиради.

б) Тенг ҳолдаги ҳимояни қўллаш ҳуқуқи, 30 (2) б (иккинчи қисм)- моддага мувофиқ, кўрсатилган вақтдан аввал ишлатилиши мумкин эмас, қайсики тегишли давр ўтиб кетиши, I (3)-моддага биноан, мамлакат, қайсики V (1) а-моддага биноан мурожаат қилган бўлса.

II-модда

[*Таржимага бўлган ҳуқуқнинг чекланиши.* 1. Ваколатли органлар томонидан бериладиган лицензиялар; 2-дан 4-гача. Ушбу лицензияларни бериш шартлари; 5. Ушбу лицензияларни беришдан кўзда тутилаётган мақсадлар; 6. Лицензия ҳаракатда бўлишининг тўхтатилиши; 7. Асосан иллюстрациялардан ташкил топган асарлар; 8. Муомаладан чиқарилган асарлар; 9. Эфирни амалга оширувчи ташкилотлар учун лицензиялар]

(1) Ушбу моддада кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш тўғрисида баёнот берган ҳар қандай давлат, босма шаклда ёки шунга ўхшаш бошқа шаклларда қайта тикланган асарларга нисбатан қуйида кўрсатиладиган ва IV моддани ҳисобга олган ҳолда ваколатли органлар томонидан бериладиган 8-моддада кўзда тутилган мустасносиз ёки бошқа бериб бўлмайдиган тизимли лицензияларни таржимага бўлган

ҳуқуқига алмаштириши мумкин.

(2) *a)* (3)-бандни ҳисобга олган ҳолда, агар уч йиллик муддат тугаши ёки асарнинг биринчи марта нашр қилинган кундан бошлаб ҳисобланадиган, тегишли мамлакатнинг миллий қонунчилиги томонидан ўрнатиладиган кўпроқ муддат ўтиши билан, бундай асарнинг таржимаси шу мамлакатда барча томонидан ишлатиладиган тилга таржима қилинмаган бўлса, таржима қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг рухсати билан шу мамлакатнинг ҳар қандай фуқароси асарни айтилган тилга таржима қилишга бўлган лицензияни олиши мумкин ва бундай таржимани босма шаклда ёки шунга ўхшаш бошқа шаклда нашр қилдириши мумкин.

b) Ушбу моддада кўзда тутилган шартларда, шу тилда нашр қилинган таржиманинг барча нусхалари бутунлай тарқаб кетган ҳолларда ҳам лицензия берилиши мумкин.

(3) *a)* Иттифоқнинг бир ёки бир неча ривожланаётган аъзо мамлакатларида барча ишлатадиган деб ҳисобланмайдиган тилларга таржима қилинган ҳолларда (2) *a*-бандда кўзда тутилганидек бир йиллик муддат уч йилга тенглаштирилади.

b) (1)-бандда қайд этилган ҳар қандай мамлакат ўша тил барча ишлатадиган тил деб ҳисобланадиган Иттифоқнинг ривожланган аъзо мамлакати билан бир овоздан келишиш бўйича бу тилга таржима қилинган ҳолат бўлса, (2) *a*-бандда кўзда тутилган уч йиллик муддатни келишилган шартнома асосида қисқароқ муддатга камайтириши мумкин, шу билан бирга бу муддат бир йилдан қисқа бўлиши мумкин эмас. Бироқ олдинги гапдаги қоида инглиз, француз ва испан тилларига қўлланилмайди. ҳукуматлар томонидан бу тўғрисида ҳар қандай келишувга келинганда Бош директорга билдириб қўйилади.

(4) *a)* Мазкур модда қоидаларига мувофиқ ҳолда, уч йилдан сўнг олинадиган лицензиялар қўшимча олти ойлик муддат ўтмагунча берилмайди, бир йилдан кейин олинадиган лицензиялар эса, қўшимча тўққиз ойлик муддат ўтмагунча берилмайди;

(i) лицензияга мурожаат қилган шахс IV (1)-моддада санаб ўтилган талабларни бажарган кундан бошлаб, ёки

(ii) агар муаллифнинг ёки таржима ҳуқуқига эга бўлган шахснинг манзили аниқ бўлмаса, аризачи IV (2)-моддада кўзда тутилганидек, лицензия берадиган ваколатли органга берган аризасининг нусхасини жўнатган кундан бошлаб.

b) Таржима қилинишига ариза берилган асар таржима ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ёки унинг рухсати билан кўрсатиб ўтилган олти ва тўққиз ойлик муддатлар ичида нашрдан чиқарилган бўлса, мазкур моддада кўзда тутилган лицензия берилмайди.

(5) ҳар қандай лицензия мазкур модда қоидаларига мувофиқ равишда мактабларда, университетларда ёки тадқиқот мақсадларида ишлатиш учунгина берилади.

(6) Агар асар таржимаси таржима ҳуқуқига эга шахс томонидан ёки унинг рухсати билан, мамлакатда одатда шунга ўхшаш асарларга ўрнатиладиган нархларга мос келувчи нархда чоп этилган бўлса, агар бунда лицензия асосида қилинган таржима ўша тилда ва асосон ўша мазмунда бўлса мазкур моддага мувофиқ равишда берилган ҳар қандай лицензия ўз ҳаракатини тўхтатади. Лицензия кучини йўқотгандан сўнг чиқарилган барча намуналар, улар бутунлай тугамагунча тарқатилиши давом эттирилиши мумкин.

(7) Асосан иллюстрациялардан ташкил топган асарлар учун, уларни таржима қилишга ва матнини чоп этишга ва қайта тиклашга ва иллюстрацияларни нашр қилишга бериладиган лицензиялар, фақат, агар III-модда қоидалари бажарилган шартлардагина тақдим этилади.

(8) Агар муаллиф асарнинг барча намуналарини муомаладан чиқарса, лицензия мазкур модда бўйича берилиши мумкин эмас.

(9) а) Асарнинг таржимасига лицензия босма ёки шунга ўхшаш қайта тикланган асарлар устидан радиоэшиттириш ташкилотларига берилиши мумкин. Бу ташкилотлар давлатларда (1)-бандда кўрсатилган ўзининг қароргоҳига эга бўлиши лозим. Шунингдек, кўрсатилган ташкилотлар давлатнинг ваколатли органларига ариза тақдим этган ҳолда қуйидаги шартларни бажариши лозим:

(i) таржима ушбу давлат қонунларига асосланиб тайёрланган ёки қўлга киритилган нусха асосида амалга оширилади;

(ii) таржима фақат радиоэшиттиришдан фойдаланиш учун мўлжалланади. ўқув ёки махсус илмий-техник тадқиқот натижаларини тарқатишга мўлжалланган таржималар аниқ касб мутахассислари ўртасида тарқатилади;

(iii) таржимадан (ii)-бандда кўрсатилган шартлар мақсадлари учун фойдаланилади. Ушбу давлат ҳудуди тингловчиларига мўлжалланган эшиттиришлар, хусусан овозли ва визуал ёзувлар ёрдамида амалга ошириладиган эшиттиришлар, қонуний тайёрланган ва фақат шу мақсадлар учун деб ҳисобланади;

(iv) ҳар қандай таржимадан фойдаланиш тижорат мақсадларини кўзламайди.

b) Мазкур банд асосида берилган лицензияга биноан радиоэшиттириш ташкилотлари томонидан тайёрланган овоз ва визуал ёзувлар, a-бандда кўрсатилган мақсадлар ва шартларни инобатга олган ҳолда, ушбу ташкилот розилиги билан бошқа радиоэшиттириш

ташкilotи томонидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу ташкilot ҳам лицензия берган мамлакатда ўзининг қароргоҳига эга бўлиши лозим.

с) а-бандда кўрсатилган барча мезон ва шартлар бажарилганда, лицензия барча матнлар таржимаси учун радиоэшиттириш ташкilotларига берилиши мумкин, хусусан, мунтазам ўқитишда фойдаланиш учун чиқарилган ёки тайёрланган аудиовизуал ёзувларга.

д) а-с-кичик бандларни ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги бандларда кўрсатилган ҳолатлар лицензия бериш ёки уни амалга ошириш жараёнида қўлланилади.

III-модда

[Қайта тиклаш ҳуқуқини чеклаш: 1. Ваколатли орган томонидан берилган лицензия; 2. 2-дан 5-гача. Ушбу лицензияларни бериш шартлари; 6. Лицензия ҳаракатининг тўхтатилиши; 7. Мазкур модда қўлланиладиган асарлар]

(1) ҳар қайси давлат, агар ушбу моддада кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланишини билдирса, 9-моддада кўрсатилган қайта тиклашга бўлган махсус ҳуқуқни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлади. Махсус бўлмаган ва берилмайдиган лицензия, IV-моддага асосан ваколатли орган томонидан тақдим этилган ва қуйидаги шартларда:

(2) а) Агар асарга нисбатан қуйидаги (7)-банддаги муддатлар ўтишидан кейин мазкур модда қўлланилса:

(i) (3)-бандда белгилаб қўйилган даврларга мос келувчи, яъни шу асарнинг нашр қилинган кундан бошлаб, ёки

(ii) (1)-бандда кўрсатилган муддатдан бошлаб, давлатнинг миллий қонунчилиги томонидан белгиланган исталган узоқ муддат ўтишидан кейин асарга нисбатан ушбу модда қўлланилади.

Агар нашр нусхалари омма орасида ёки қайта тиклаш ҳуқуқига эга шахс томонидан ёки нархлар бўйича унинг розилиги билан мунтазам ўқитиш учун тарқатилмаган бўлса, ушбу давлатнинг исталган фуқароси ушбу нашрни мунтазам ўқитиш мақсадида ўша нарх ёки арзонроқ нархда қайта тиклаш ёки чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиши мумкин.

б) Тарқатилган нашрни (а)-кичик бандда кўрсатилганидек қайта тиклаш ёки чиқариш учун лицензия бериш ушбу моддада кўрсатилган шартларда амалга оширилиши мумкин. Агар қабул қилинган давр мобайнида ушбу мамлакатда рухсат берилган нусхани бирортасиям омма учун сотиш предмети бўлмаган бўлса, бу нашр олти ойлик муддат давомида ўхшаш асарлар учун ушбу давлатда ўрнатилган нарх бўйича сотилади.

3. (а) (i)-бандда кўрсатилган муддатлар қуйидагиларни ҳисобга олмаган ҳолда беш йилни ташкил этади:

(i) табиий ва аниқ фанлар, хусусан, математика ва техника фанлари асарлари учун бу муддат уч йил;

(ii) бадиий, шеърӣ, драматик ва музикӣ асарлар, шунингдек, санъат бўйича китоблар учун етти йил.

4. а) уч йилдан ортиқ муддатли лицензия олти ойлик муддат ўтмагунча ушбу моддага биноан берилмайди:

(i) аризачи IV (1)-моддада кўрсатилган талабларни бажарган кунидан бошлаб, ёки

(ii) агар қайта тиклаш ҳуқуқига шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили номаълум бўлса, IV (2)-моддада кўрсатилганидек ариза нусхалари, аризачининг аризаси лицензия беришга ваколатли органга жўнатилган кундан бошлаб.

b) Агар лицензия бошқа муддатлардан кейин очиқ бўлса, IV (2)-моддага мос келса, ариза нусхаси жўнатилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтмагунча лицензия берилмайди.

c) Агар а-ва b-кичик бандларда кўрсатилган олти ой ёки уч ой давомида тарқалиш, (2) а-бандда ёзилганидек бўлса, ушбу моддага биноан ҳеч қандай лицензия берилмайди.

d) Муаллиф қайта тиклаш ёки чиқариш учун лицензия сўралган асарни ва уни нусхаларини муомаладан чиқарган бўлса лицензия берилмайди.

5) қайта тиклаш ва асар таржимасини чиқариш учун лицензия қуйидаги ҳолларда ушбу моддага асосан берилмайди:

(i) агар таржима, таржима қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ёки унинг рухсати билан чиқарилмаган бўлса ёхуд,

(ii) агар таржима лицензия сўралган мамлакатда барча томонидан ишлатиладиган тилда қилинмаган бўлса.

б) қайта тиклашга ҳуқуқи бор шахс ёки унинг рухсати билан бошқа шахс асар нусхаларини тарқатаётган бўлса, ёхуд ўхшаш асарлар учун давлатда ўрнатилган нархлар бўйича мунтазам ўқитишни олиб бораётган бўлса ҳар қандай лицензия бекор қилинади. Агар шу асар шу тилда, шу мазмунда лицензия асосида чиқарилган асар сингари бўлса, лицензия бекор қилинганга қадар чиққан нусхалар бутунлай тарқалиб кетганга қадар тарқатилиши мумкин.

7) а) b-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда, ушбу моддага асосан нашрдан чиқарилган босма ва ўхшаш қайта тикланган асарлар чекланади.

б) ушбу модда мутлақо мунтазам ўқитишда фойдаланиши учун чиқарилган ва тайёрланган аудиовизуал асарлар шаклидаги қонуний амалга оширилган аудиовизуал ёзувларга асарларнинг муаллифлик ҳуқуқ ҳимоясидаги ҳар қандай мазмундаги асарларга, шунингдек

лицензия талаб қилинадиган мамлакатда умумишлатиладиган тилда матнга киритиладиган ҳар қандай таржима матнга нисбатан қўлланилади.

IV-модда

[II ва III-моддаларга мувофиқ бериладиган лицензиялар учун умумий ҳисобланадиган ҳолатлар: 1-ва 2-. Иш тартиби; 3. Асар номи ва муаллифни кўрсатиш; 4. Намуналар экспорти; 5. Билдириш; 6. Қоплаш]

(1) Лицензиялар II- ва III-моддаларга мувофиқ фақатгина, агар лицензияга ариза берувчи шахс мамлакатдаги ўрнатилган қоидаларга мувофиқ нашр тайёрлаш ҳуқуқига ва таржимани чиқаришга ёки уни қайта яратишга ва нашрга чиқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсга мурожаат қилганлигини, унинг рухсати билан ва унинг раддиясини олганлигини ёки у томонидан мажбурий ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг, ушбу ҳуқуқларга эга бўлган шахсларни аниқлай олмаганлигини исботлай олган ҳолларда берилади. Лицензия учун мурожаат қилиш жараёнида аризачи бундай ҳолларда исталган миллий ёки халқаро ахборот марказини, (2)-банддаги эслатмага мувофиқ хабардор этмоғи лозим.

(2) Агар бундай ҳуқуқларга эга шахсни аниқлаш имкони бўлмаса, аризачи ўз аризаси нусхасини буюртма авиапочтаси орқали, лицензия беришга ваколатли органга, фамилияси асарда кўрсатилган нашр қилувчига, тегишли нотификацияда кўрсатилган исталган миллий ёки халқаро марказга, тахмин қилинганидек, ўзининг касбий фаолияти асосий қисмини амалга ошираётган нашр қилувчи жойлашган мамлакат ҳукумати Бош директорга йўллайди.

(3) Муаллиф фамилияси II- моддага ёки III-моддага мувофиқ лицензия бўйича чиқарилган таржима ва асарларнинг барча нусха намуналарида кўрсатилади. Асар сарлавҳаси барча нусха намуналарига босилади. Асар таржима қилинганида, асл сарлавҳа барча нусха намуналарида босилади.

(4) а) II ёки III моддаларга мувофиқ берилган ҳеч қандай лицензия асар намуналари экспортига тарқалмайди ва фақатгина таржима чиқарилганда ёки у сўралган мамлакат ҳудудида қайта яратилганда ҳақиқий ҳисобланади.

б) а кичик банднинг мақсадига экспорт тушунчаси, намуналарни ҳар қандай ҳудудлардан мамлакатга қайсики ушбу ҳудудга нисбатан I-модданинг 5-бандига мувофиқ ариза ёзилган бўлса, жўнатишни назарда тутади.

с) қачонки мамлакатнинг ҳукумати ёки бошқа ташкилоти II-моддага мувофиқ исталган тилга таржима қилишга тайёргарлик кўришга, инглиз, испан ва француз тилларини истисно қилган ҳолда,

ушбу лицензия бўйича чиқарилган таржима намуналарини бошқа мамлакатга йўллайди. Бундай намуналарнинг жўнатмалари а-бандининг мақсадлари учун экспорт ҳисобланмайди, агар қуйидаги барча шартлардан бирортаси бажарилмаса:

(i) қабул қилиб олувчилар, мамлакатнинг лицензия берувчи фуқаролари ёки бундай шахсларни бирлаштирган ташкилотлар ҳисобланади;

(ii) намуналар фақатгина мактаб, университет ёки тадқиқот мақсадларида ишлатилиши лозим;

(iii) намуналар йўлланмаси ва уларнинг кейинги тарқалиши уни қабул қилиб олувчилар орасида тижорат мақсадлари кўзда тутмайди;

(iv) намуна жўнатаётган мамлакат, бошқа мамлакат билан келишган ҳолда, қайси мамлакатнинг ваколатли органи лицензия чиқарган ҳолда, қабул қилишга, ўша ёки бошқа жойда тарқатишга рухсат берган ҳолда, Бош директорни бундай лицензия чиқарилганлиги ҳақидаги битим тўғрисида хабардор қилмоғи лозим.

(5) Лицензия бўйича, II- ёки III- моддалар таъсири остида чиқарилган барча намуналар, ушбу намуналар мос келувчи тилда хабар қилинишини лицензия кучда бўлган мамлакат ёки ҳудуд тарқалишини назарда тутди.

(6) а) Қуйидагиларни таъминлаш учун миллий даражадаги зарурий чоралар қўлланилади:

(i) лицензия, таржима қилиш ёки қайта яратиш ҳуқуқига эга бўлганларни, гонорар нормаларига мувофиқ, шахс фойдасига адолатли компенсация тўловини кўзда тутиши керак, икки давлат фуқароларининг эркин муомаладаги лицензияларига нисбатан қўлланишини кўриб чиқиши керак ва

(ii) компенсацияни ўтказиш ва тўловлар: агар миллий валюта қоидалари алоҳида ўрин тутса, ваколатли органлар, халқаро механизмлар ёрдами билан валютанинг конвертацияси ёки унинг эквивалентини халқаро миқёсда компенсацияни ўтказишни таъминлаш учун барча кучни ишга солади.

б) маълум нашрнинг тўғри таржимаси ва унга мувофиқ аниқ яратилиши учун миллий қонунчилик томонидан зарурий чоралар қўлланилади.

V-модда

[Таржимага бўлган ҳуқуқни чеклаш учун муқобил имконият: 1. 1886 ва 1896 йиллар ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган иш тартиби; 2. II-моддага мувофиқ иш тартибини ўзгартиришнинг йўқлиги; 3. Бошқа имконият танлаш учун муддат]

(1) а) Ҳар қандай ариза қилишга ҳуқуқи бор мамлакат, II-моддага

мувофиқ ушбу ҳужжатни ратификация қилиш вақтида ёки унга қўшилиб имтиёздан фойдаланиши мумкин:

(i) агар 30 (2) а)-модда қўлланувчи мамлакат бўлса, таржимага бўлган ҳуқуқ ҳолатига нисбатан мувофиқ ҳолда мурожаат қилиши мумкин;

(ii) агар 30 (2) а)-модда қўлланмайдиган мамлакат бўлса ва ҳатто агар Иттифоққа кирмайдиган мамлакат бўлса, 30 (2)-модданинг биринчи иборасига мувофиқ мурожаат қилиши мумкин.

б) I (1)-моддада кўрсатилганидек, агар мамлакат ривожланаётган мамлакат деб ҳисобланишдан тўхтаса, ушбу банд асосида тузилган мурожаат, I (3)-модда қўлланилишига мувофиқ, муддат тугагунга қадар ҳақиқий бўлиб қолади.

с) Ушбу банд бўйича мурожаат қилган ҳар қандай мамлакат, II-моддага мувофиқ, ҳатто у кўрсатилган мурожаатни қайтариб олса ҳам, кейинчалик имтиёзлардан фойдалана олмайди.

(2) 3-бандни ҳисобга олган ҳолда, II-моддага мувофиқ имтиёздан фойдаланган исталган мамлакат, (1)-банд бўйича кейинчалик мурожаат қилиши мумкин эмас.

(3) I (1)-моддага мувофиқ ривожланаётган мамлакат деб ҳисоблаш тўхтаган ҳар қандай мамлакат I (3)-моддага мувофиқ муддат тугашига қадар икки йилдан кам бўлмаган вақтда, 30 (2)-модданинг биринчи иборасида кўрсатилган, мақсадлар бўйича Иттифоққа кирмайдиган мамлакат бўлишига қарамасдан мурожаат қилиши мумкин. Бундай мурожаат I (3)-модда бўйича муддат тугаган вақтдан бошлаб кучга киради.

VI- модда

[Кўллаш имконияти ёки қўшимча бўлимнинг баъзи ҳолатларини қуйидагилар билан боғлиқ бўлгунга қадар қўллашга рухсат этиш: 1. Ариза; 2. Аризани сақлаш учун топшириш ва унинг кучга кириш санаси]

(1) Иттифоқнинг ҳар қандай мамлакати ушбу ҳужжат санасининг бошланиши билан ва у қўшимча бўлим ва ҳужжатнинг 1-моддасидан 21-моддасигача боғлиқ бўлса, мурожаат қилиш мумкин:

(i) агар у 1-моддадан 21-моддагача ва қўшимча бўлим билан боғлиқ бўлган бўлса, I (1)-моддада эслатилганидек, имтиёзлардан фойдаланиш назарда тутилган бўлса, у II- ва III-моддалардаги ҳолатларни ёки ҳар икки моддани ҳам асарларга қўллайди. Асар қайси мамлакатда яратилган бўлса, қуйида эслатилган (ii)-кичик бандга мувофиқ, бундай асарларга бу моддаларни ёки 1-моддадан 21-моддагача

боғлиқ бўлган ҳолда ва қўшимча бўлим билан қўллашга рухсат этилади. Бундай муурожаат II-моддага илова қилиниши ўрнига V-моддага ҳам илова қилиниши мумкин;

(ii) асар яратилган мамлакат ушбу қўшимча бўлимни асарларга қўллашга рухсат этади. Шунингдек бу қўллаш юқорида эслатилган (i)-кичик бандга мувофиқ муурожаат қилган ёки I-моддага мувофиқ хабардор қилинган мамлакатларни ўз ичига олади.

(2) (i)-бандга мувофиқ қилинган исталган ариза ёзма шаклда бўлиши керак ва Бош директорга сақлаш учун топширилади. Ариза, уни сақлаш учун берилган муддатдан бошлаб кучга киради.